ЎзССР Давлат китоб палатаси

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 94 (8. 036) ◆ 1992 йил 14 май, пайшанба Нархи 1 сўм 50 тийин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаролари жаҳон тилларини эгаллашлари, уларни умуминсоний қадриятлардан баҳраманд қилиш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланишда тил тўсиқларини бартараф этиш, кенгайиб бораётган халқаро алоқаларни юқори малакали таржимон ва мутахассислар билан таъминлаш, бу соҳадаги мавжуд кадрларни, моддий-молиявий маблағларни жамлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 15 июнидан Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти билан республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ташкил этиш тўғрисида Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— ривожланган мамлакатларнинг ютуқларидан фойдаланиб, БМТнинг расмий тиллари бўйича мутахассислар тайёрлаш янги концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— бутун таълим тизими учун чет тиллар ўқитувчиларини, шунингдек кенг соҳали таржимонларни тайёрлаш;

— илмий-услубий муаммоларни ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда республика олий ўқув юртлари чет тиллар факультетлари ва кафедралари билан Фанлар академиясининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— турли хил тажрибалар ўтказиш йўли билан ўқитишнинг компьютер техникаси ва аудиовизуал воситаларини қўлланган ҳолда чет тилларга жадал ўргатиш усулларини жорий қилиш;

— чет тиллар таржимонлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш;

— талабалар ва мутахассисларнинг билимларига баҳо беришда таълим жараёнига синов амалиётини жорий қилиш;

— тегишли соҳадаги хорижий ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш;

— ўзининг интеллектуал имкониятларидан фаол фойдаланиш ҳисобига валюта маблағлари жамғармасини тузиш;

— университетнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва унинг мулкини кўпайтириш.

3. Вазирлар маҳкамаси 10 кун муддат ичида тегишли қарорни тайёрласин ва унда мазкур Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 12 май.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот тақчиллигига қарамай, самарали ишламоқда. Корхона тўрт ойлик режа топшириқларини муваффақиятли уддалади. Қўлга киритилаётган ютуқларга корхонанинг устки трикотаж фабрикаси филиали ишчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ўтган йил бу ерда 70 турдан иборат 3 миллиондан ортиқ маҳсулот тайёрланди.

СУРАТДА: фабриканинг тўқувчиси Гулноза Тўйчиева.

Р. Шамсуддинов сурати.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни Корея Республикаси Москвадаги элчихонасининг маслаҳатчи-элчиси Вон Ен Линни қабул қилди.

⊙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Тошкент вилояти ҳокимлигининг таклифига мувофиқ республикамиз пойтахтига келган Чимкент вилояти ҳокими Марс Уркумбоевни қабул қилди.

⊙ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов олиб борди.

⊙ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Дания қироллиги Ташқи ишлар вазирлигининг делегацияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси билан Дания қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ноталар айрибош қилинди.

⊙ Тошкентда Ўзбекистон билан Чехия ва Словакия Федератив Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ва фан-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

⊙ Самарқандда Ўзбекистон ширкат, ижара, қўшма, хусусий корхоналар касаба уюшмасининг навбатдан ташқари III қурултойи очилди. Ушбу анжуман доирасида «Жипслашув» халқаро касаба уюшмаси конфедерациясининг мувофиқлаштирувчи мажлисини ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

⊙ Ўзбекистон олий ўқув юртларининг талабалари Миср Араб Жумҳуриятининг олий ўқув юртларида араб филологиясини, ислом давлатлари тарихини, халқаро ҳуқуқ ва бошқа фанларни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда улар кўпгина ижтимоий ва техник мутахассисликларни шу мамлакатнинг етакчи дорилфунунларида ўрганадилар. Миср ҳамда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви маориф соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ана шундай битимни имзолаш билан якунланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Кремлда Россия Президенти Борис Ельциннинг мудофаа мажмуаси раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

⊙ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари темир йўллари раҳбарлари, шунингдек Грузия, Латвия, Литва ва Эстония Республикалари раҳбарлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар темир йўл транспорти кенгаши мажлисида иштирок этдилар. Улар ўз ҳукуматларининг бошлиқларига яқин вақт ичида давлатлараро йўлларда юк ташиганлик учун тариф ҳақини 5 баравар, йўловчиларни ташиганлик учун ҳақни 3 баравар оширишни илтимос қилиб мурожаат этдилар.

⊙ Грузия давлат кенгаши республика хавфсизлиги вазирлигини тугатиб унинг ўрнига янги махсус хизматни — ахборот ва разведка бюросини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Давлат кенгашининг аъзоси, 30 ёшли философ Ираклий Батиашвили ана шу бюро раҳбари этиб тайинланди.

ХОРИЖДА

⊙ Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Пекинга келди. Ташриф чоғида бир қатор ҳужжатларни имзолаш кўзда тутилмоқда.

⊙ Руминия Президенти Ион Илиеску Молдова Президенти Мирча Снегурнинг таклифига биноан 18 май куни икки кунлик сафар билан Кишиневга ташриф буюради.

⊙ Германиянинг Белица шаҳрида рўзнома ношири Аксель Шпрингернинг беваси Чернобиль ҳалокатидан азият чеккан болаларга мўлжалланган 500 минг маркадаги чекни топширди.

Шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига қарашли махсус лойиҳалаш-конструкторлик бюросида телефон дастаклари ва бошқа эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлардан фақат Ўзбекистон эмас, балки МДҲ республикалари алоқачилари ҳам фойдаланишмоқда.

СУРАТДА: техник назорати бўлими ходими Галина Каутина йиғувчи Ҳожимурод Абдуазимов билан бирга янги дастакни кўздан кечирмоқда.

Андрей Пишненко сурати.

** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарлари учрашуви олдидан*

УМУМИЙ МАНФААТЛАРНИ КЎЗЛАБ

МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлар раҳбарларининг Тошкентда эртага очиладиган навбатдаги кенгаши ҳеч шубҳасиз ҳамманинг диққат марказида турибди.

Кеча, 13 майда, Киночилар уйида Ҳамдўстлик ҳамда хорижий мамлакатлар матбуот вакиллари учун ушбу кенгашга тайёргарлик масалаларига бағишланган брифинг ўтказилди. Журналистлар билан учрашувга Ҳамдўстлик ишчи гуруҳининг мувофиқлаштирувчиси И. М. Коротченя, ушбу гуруҳ матбуот хизматининг раҳбари Е. Карелин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш. Ғ. Яҳёев келди.

ТЎПЛАНГАНЛАР олдида сўзга чиққан И. Коротченя Ҳамдўстлик ташкил этилгандан буён МДҲ доирасида хўжалик, савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос берадиган юзга яқин битим имзоланганлигини таъкидлади.

Тошкентдаги учрашувга келганда, у аввал мўлжалланганидек бир кун эмас, балки икки кун — 15—16 майда бўлиб ўтади. Ҳомаки иш тартибига кўра учрашувнинг биринчи кунида республикалар Президентлари ва Бош вазирларининг қўшма мажлисини ўтказиш, шундан сўнг давлат раҳбарлари ва ҳукумат раҳбарларининг алоҳида-алоҳида мажлисларини ўтказиш кўзда тутилмоқда. 16 майда тайёрланган ҳужжатларга зарур ҳолда аниқликлар киритиш ва бу ҳужжатларни имзолаш режаланган. Ушбу ҳужжатлар Ҳамдўстлик аъзолари томонидан ҳозирнинг ўзида асосан маъқулланган.

Шундан сўнг И. Коротченя журналистларга кенгаш кун тартиби ҳақида гапириб берди. Маълумки, Киевда бўлиб ўтган аввалги учрашув муҳокамасига қўйилган қатор масалалар кўриб чиқилмаган эди. Ўша учрашув қатнашчиларининг топшириғига биноан бу масалалар Тошкентдаги кенгаш кун тартибига киритилган эди. Бундан ташқари ҳукумат раҳбарларининг Кишиневда ўтказилиши мўлжалланган, аммо ўтказилмаган учрашувида муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам Тошкентдаги учрашувда кўриб чиқилади. Тошкент учрашуви кун тартибини шакллантиришда ишчи гуруҳи республикалар томонидан билдирилган таклифларни ҳам ҳисобга олди.

Шундай қилиб, кенгаш қатнашчиларини тиғиз иш кутяпти. Давлат раҳбарлари муҳокамасига 15 масала, Бош вазирлар муҳокамасига эса 26 масала қўйилмоқда. Айни пайтда баъзи ғоят муҳим масалалар қўшма мажлисда муҳокама этилади. Қатор масалаларни ҳукумат бошлиқлари кўриб чиққанларидан сўнг президентлар улар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишлари керак бўлади.

Давлат раҳбарлари ва ҳукумат раҳбарлари кенгашлари кун тартибига киритилган масалаларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: умумсиёсий, иқтисодий ва ҳарбий. Жумладан, президентлар умумий хавфсизлик, собиқ Иттифоқ Қуролли кучларини қисқартириш, қатағон қилинган халқлар ва кам сонли миллатлар ҳуқуқларини тиклаш, айрим давлатлар томонидан миллий валюта муомалага киритилган тақдирда Ҳамдўстлик аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини мувофиқлаштириш, собиқ СССР чегараларини қўриқлаш, ҳаво ҳудудидан фойдаланиш, космосни ўзлаштириш ва бошқа масалаларни кўриб чиқишлари керак.

Ҳукумат раҳбарлари кун тартибига, жумладан, саноатни ҳимоя қилиш (бу масала ўтган учрашувда муҳокама қилинмай қолинган эди), ташқи иқтисодий фаолият, маданият, халқ таълими соҳасида ҳамкорлик қилиш, давлатлараро илмий-техника кенгаши ташкил этиш, «Останкино» телекомпанияси тақдирини ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар пенсия таъминоти ва суғуртаси тартиби, Орол муаммосини ҳал этиш, Чернобиль фалокати, Арманистонда ер қимирлаш оқибатларини бартараф этиш, Каспийдаги балиқ ресурсларини сақлаш ва бошқа кўпгина масалалар киритилган.

Бу муаммоларни ҳал этиш катта моддий харажатларни, мутахассислар куч-ғайратларини бирлаштиришни, энг муҳими кенгаш қатнашчиларининг бир битимга келиши ёки ҳеч бўлмаса улар нуқтаи назарларини яқинлаштиришни тақозо этади. Умид қиламизки, Тошкент учрашувида шундай келишувларга эришилади.

Шундан сўнг журналистлар саволларига жавоблар берилди. Хусусан, Украина ташқи ишлар вазирининг айтганларига кўра бу республика Президенти Леонид Кравчук, афтидан, Тошкентга кела олмайди. Чунки у Финляндия Президенти билан учрашиши керак. Шу сабабли Украина делегациясига Бош вазир В. Фокин бошчилик қилади. Қирғизистон Президенти А. Акаев Хитойга расмий ташриф билан жўнаб кетган. Бу ташриф Тошкент учрашувидан анча илгари келишилганлиги сабабли уни бошқа муддатга кўчиришнинг иложи бўлмаган. Ишчи гуруҳи Молдова Президентидан Тошкент учрашувида қатнаша олмаслиги хусусида расмий телеграмма олган. Тожикистон Президенти Р. Набиев эса Тошкент учрашувига келиш ниятида.

Ишчи гуруҳининг мувофиқлаштирувчиси И. Коротченя учрашув мезбонлари ва шахсан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов томонидан Тошкентдаги учрашув юксак ташкилий даражада ўтиши, кенгаш қатнашчиларининг самарали ишлаши учун ҳамма шароитлар яратишга катта эътибор ва ғамхўрлик қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

Музокараларнинг мантиқий давоми

МАЪЛУМКИ, ўтган куни, 12 майда Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар мудофаа маҳкамалари вакилларининг амалий учрашуви бошланган эди. Учрашувда иштирок этиш учун Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина тегишли маҳкамаларининг раҳбарлари тўпландилар.

Гўзал Тошкентимиз ҳар доим ҳам ўзининг меҳмоннавозлиги ва бағри кенглиги билан довруғ қозонган. У ана шу учрашувга ташриф буюрган барча республикаларнинг ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирмаганлиги боисидан унга келолмаган республикаларнинг кўрсатган беғараз ёрдамини доимо зўр мамнуният билан ёдда тутади. Ана шу жиҳатдан олганда Тошкент Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланади.

Тошкент учрашуви МДҲнинг бошқа республикаларида олдин бўлиб ўтган шундай музокараларнинг мантиқий давомидир. Ҳарбий делегацияларнинг аъзолари МДҲ ҳукумат бошлиқлари ва давлат бошлиқлари кенгашлари кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган мудофаа масалаларига доир ҳужжатлар лойиҳалари мажмуини муҳокама қилмоқдалар.

Учрашувнинг иш бошланган биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг мудофаа масалалари бўйича бош маслаҳатчиси Б. Э. Қосимов учрашув қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан табрик ва самарали ишлаш истагини топширди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар ҳарбий делегациялари вакилларининг кечаги иккинчи куни ўзбек халқининг ажойиб анъанаси билан бошланди. Учрашув меҳмонлари бўлмиш мудофаа вазирларига чопон ва дўппилар кийдирилиб, белбоғлар бойланди. Тошкент округ офицерлар уйида ўз ишини давом эттираётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар мудофаа маҳкамалари вакилларининг бу амалий учрашувининг иккинчи куни мажлисини учрашув бошланишига бир қатор узрли сабаблар билан кела олмаган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, авиация маршали Евгений Шапошников очди. Иккинчи куни учрашувга Т. Китовани бошчилигидаги таркиби 8 кишидан иборат Грузия делегацияси ҳам етиб келди.

Амалий учрашувнинг биринчи кунида бўлгани каби унинг кечаги куни ҳам қизғин ўтди. Унда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, армия сармояси ва унинг оммавий ахборот воситалари сармояси масалалари қизғин муҳокама этилди. Кеча 1992 йилнинг 15 май куни бўладиган Тошкент учрашуви қатнашчилари бўлмиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларига қарата Мурожаатнома матни қабул қилинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар мудофаа маҳкамалари вакилларининг амалий учрашуви бугун ўз ишини давом эттирмоқда.

Саид БОТИРОВ.

ТОШКЕНТ РУҲИГА ИШОНАМИЗ

МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдўстлиги... Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин ташкил топган ушбу тузилма ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрда. Бироқ нима бўлганда ҳам иқтисодий шароитларга ўтиш даврида МДҲнинг зарур эканлигини кўпчилик тан олмоқда. Шу вақтгача МДҲ таркибига кирган айрим республикалар пойтахтида юқори даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Эртага эса жумҳуриятимиз пойтахтига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги озод республикаларнинг раҳбарлари ташриф буюришиб келгусидаги режалар, амалга оширилажак ишлар хусусида маслаҳатлашиб олишади.

Шу муносабат билан хўш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ҳозирги вазият қандай деган савол туғилиши мумкин. Гапнинг индаллосини айтганда, аҳвол бирмунча мураккаб. Чунки барча давлатларни бирлаштириб турган эски совет империяси, шу билан бирга большевикча йўналишдаги мафкура ҳам ўлди. Миллий озодлик орзулари рўёбга чиқиб, эски совет империяси ўрнида янги ёш, миллий республикалар ташкил топди. Албатта, ҳар бир миллат мустақил ҳаёт кечирмоғи керак. Бир томондан миллий, мустақил республикаларнинг жаҳон майдонига чиқиши нур устига нур бўлди. Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни халқаро муносабатларнинг эски тизими ўзгаришидан айрим қора кучлар ҳам фойдаланиб қолишлари мумкин. Умуман, XX асрда инсониятнинг ривожланишдаги асосий йўналиш бу интеграция, бирлашишдир. Европадаги мамлакатларнинг ҳар бир соҳада тобора бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам фикримизнинг далилидир. Биз бошқа йўлдан кетдик. Ўйлашимча энди ҳақиқий мустақилликка эришган халқларимиз аниқ бир тўхтамга, келишувга келишлари лозим. Энди энг муҳими, қурбонларсиз, қон тўкмаган ҳолда келажак сари одимлашимиз керак. Ва ҳозир сиёсатчилар олдида турган энг муҳим вазифа — бу мустақилликка эришган барча халқлар тақдири олдида жавобгарлик масъулиятидир. Кўпчилик сиёсий раҳбарликка интилганлар минг афсуски, бу йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто инсонлар ҳаётини гаровга қўйишдан ҳам қайтмаяптилар. Умуман, жамиятни янгилаш, юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири, бу сиёсий барқарорликдир. Барча сиёсий кучлар ҳозир халқ фаровонлигини кўтариш ҳақида ўйлашлари зарур. Яъни, халқ сиёсатга эмас, балки сиёсат халққа хизмат қилиши керак.

Тошкентда учрашадиган МДҲ давлатларининг раҳбарлари олдида биринчи навбатда хавфсизлик, айниқса чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш масалалари турибди. 12 майда МДҲ ҳарбий делегацияларининг кенгаши бошланди. Ва унда қурилаётган миллий армияларнинг тузилиши, ядро қуролининг тарқалиб кетмаслиги масалалари билан бирга иқтисодий муаммоларни ечиш ҳам энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Албатта 10 майда Ашгабатда Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида тузилган иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим келгусида маълум ҳудудий иқтисодий зонани вужудга келтириш имконини беради. Шу билан бирга МДҲ республикалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳам кучайтириш бозор иқтисодиётига ўтишга қулай шароит яратарди. Албатта, МДҲ раҳбарлари учрашувида таълим, маданият, ҳуқуқий масалаларни ҳам мувофиқлаштириш ишлари кўриб чиқилади. Олим сифатида илмий унвонлар ва даражаларни аввал МДҲ, сўнг жаҳон миқёсига кўтариш ҳам кўриб чиқилса, деган фикрда эдим.

Албатта ҳозир Тожикистон ва Афғонистондаги воқеалар барчани ташвишлантирмоқда. Бундан ташқари Қрим ва Тоғли Қорабоғ муаммоларини ечишнинг ҳам вақти келди. Шунинг учун бу муаммолар хусусида амалий музокаралар бўлиши шубҳасиз.

Минск, Киев ва Олмаотада ўтказилган илгариги учрашувлар собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалари кўп ҳолларда бир-бирларига турли масалалар бўйича эътирозлар майдонига айланган бўлса, Тошкентдаги учрашув зарур тўхтамларга келиш билан тугашини кутамиз. Зеро, сиёсатда Тошкент руҳи деган тушунча бор. Тошкент руҳи 1966 йили XX асрнинг энг чигал муаммоларидан бири Кашмир масаласини ечишга ёрдам берган эди. Ишонамизки, ушбу руҳ МДҲ давлатлари ўртасида ички ва ташқи томондан келишувга замин яратади. Эксперт ва вазирлар томонидан кўпгина муҳим ҳужжатлар тайёрланди. Энди асосий масала унга давлат раҳбарларининг тўғри ёндошувида қолди. Ўйлайманки, барча муаммоларни сиёсий томондан ижобий ҳал этиш мумкин.

Қодир ОЛИМОВ, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг сиёсатшунослик ва ижтимоиятшунослик кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори.

** Олий ўқув юртларида*

ҚИЗИҚИШ УЙҒОТГАН МАЪРУЗАЛАР

ХАЛҚИМИЗ ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар чиндан ҳам тарихийдир. Истиқлол, миллий ривожланиш ҳаёт жабҳаларининг барча соҳаларида ўз ифодасини топиб, янгича фикр юритиш ва қарашларни ҳам тақозо эта бошлади. Бинобарин бу ўринда бир нарсани очиқ айтиб ўтиш керак: ҳанузгача дар сиёсий тарих бўйича лекциялар ўқилган пайтда биз асосий диққат-эътиборни эндиликда парчаланиб кетган собиқ СССР фаолиятига қаратиб, ўз республикамизнинг тарихига кам ўрин ажратар эдик. Ана шу боисдан ҳам эндиликда мустақил Ўзбекистон ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар олимлар масъулиятини ҳам ошириши турган гап. Демак, олимлар холис нуқтаи назардан туриб юз бераётган бу тарихий жараёнларга баҳо беришлари керак. Тошкент Давлат дорилфунунида бўлиб ўтган биринчи илмий-назарий анжуман ана шу жиҳати билан диққатга сазовордир.

Тошкент Давлат дорилфунуни сиёсий тарих кафедраси ташкил этган ушбу илмий-назарий анжуман ўтмишимиз ва ҳозирги кундаги ижтимоий-сиёсий ривожланиш тарихини яратиш ҳамда талқин қилишда дастлабки муҳим қадамдир. Лекин шуни ҳам қайд этиш кераккки, ҳозир бу борада турли нуқтаи назарлар, турли дастурлар мавжуд. Ана шу боисдан анжуманнинг қизғин баҳслар, тортишувлар билан ўтганлиги диққатга сазовордир. Бундай баҳсларнинг сабаби шундаки, унда қилинган маърузалар мавзуи турлича ва кишини бефарқ қолдирмайди.

Ушбу анжуман шарофати билан тингланган ва тўпланган маърузалар ичида кўплаб бой материаллар борки, улар республика сиёсий тарихини ўқитишга оид илмий-назарий ва услубий вазифаларни ҳал қилишга шубҳасиз самарали ёрдам беради.

Шамси ШАРОПОВ, Тошкент Давлат дорилфунуни сиёсий тарих кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

Камолиддин ЗИЁТОВ, Тошкент Давлат дорилфунуни сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бугун эрталаб радионинг «Маяк» эшиттиришида гўё Тошкентда 15 майда трамвай ва троллейбус ҳайдовчилар иш ташламоқчилар, деб эшиттирган хабари ҳақиқатга тўғри келмайди.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. С. Маҳкамовнинг муҳарриятимизга маълум қилишича, шаҳар электр транспорти мавжуд қийинчиликлар ва муаммоларга қарамасдан одатдагидек ишлайди ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти авж олаётган бир паллада қурилиш материалларининг нархи ошиб кетганлиги ҳам кўпгина қийинчиликларни туғдирмоқда. Буни Акмал Икромов районидаги 193-мактабга қўшимча қурилаётган бино мисолида ҳам кўриш мумкин. Лекин 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қўл қовуштириб ўтиришаётгани йўқ. Айни вақтда бу ерда дурадгорлик ишлари якунланди. Пардоз ишлари ҳам тугай деб қолди.

СУРАТЛАРДА: дурадгорлик ишларини жадал олиб бораётган бунёдкорлар ҳамда янги қурилаётган бино тасвирини кўриб турибсиз.

Засим Соколов суратлари.

Мактабга яқинлашмоқда

Куни кеча Ўқитувчилар уйида республика ўқитувчиларининг «Янги типдаги ўқув муассасаларида ўқувчи ёшларнинг қобилиятини ривожлантириш ва амалий фаолиятга йўллаш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳозирги шароитда ўқитиш, таълим-тарбия муаммолари, ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Республика халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев маорифимиздаги ҳозирги шароит ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, шаҳар миқёсида қилинаётган ишлар хусусида сўзлади. Жумладан, ҳозирда Тошкентда лицей-мактабларнинг сони 20 тага етгани, уларда 13 та фан доктори, 158 та фан номзодлари дарс бераётгани, келажакда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамланишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Султонмурод УМАРОВ.

ИХТИРОЧИ — рационализаторлар қўллаб-қувватланиши, давлат томонидан эъзозланиши, вақтида моддий рағбатлантирилиб турилиши керак. Бизда эса давлатга миллион-миллион сўмлаб иқтисодий фойда келтираётган мана шундай иқтидорли одамлар машаққатли меҳнатлари унчалик қадрланмайди. Моддий рағбат ҳисси бўлмаса янгиликнинг «этагидан ушлашга» журъат этмай туради.

Узоққа бормай буни «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида кўриб чиқайлик. Бирлашмадаги ихтирочиларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1989 йилда уларнинг сони 1500 дан иборат бўлган бўлса, 1991 йилда бу рақам 894 кишига тушиб қолди.

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди, — дейди биз билан суҳбатда бирлашма ихтирочилик шўъбасининг бошлиғи В. Ҳимматова. — Ўзингиз ўйланг. Агар ихтирочининг таклифи иқтисодий самара бермаса, у қўлига арзимаган пул олади холос. Боз устига ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилган тақдирда ҳам унга бериладиган мукофот пули урвоқ ҳам бўлмайди.

Тараққиёт уфқлари

РАҒБАТ — БЎШ МЕЗОН

Ихтирочиларнинг сони камайгандан сўнг, улардан тушадиган таклифларнинг сони ҳам ўз-ўзидан камайди. Ўлганнинг устига тепгандек, баъзи бир бўлинмаларга буюртирилган ихтиро намуналари эса 3-5 йил давомида қўл урилмасдан ётарди.

— Цех бошлиқлари бундай хўжасизликни металл тақчиллиги билан боғламоқдалар, — давом эттирди В. Ҳимматова. — Ҳақиқатан бугунги кунда металл бирлашмани анча қийин аҳволга солиб қўйди. Лекин бу танглик фақат шу йили яққол кўзга ташланди. Буюртирилган намуналар эса «металл тақчиллиги» деган балонинг ўзи тугул, номи ҳам бўлмаган 1989 йилдаёқ топширилганига нима дейсиз!

Кўпгина бўлинмаларнинг бошлиқлари фойдали ихтирочилар таклифларига панжа орасидан қарашга ўрганиб қолганлар. Йўқса, 1987 йилдан бери бирлашмада 200 га яқин ихтиронинг ишлаб чиқаришга жорий этилмаганини яна қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки бу ихтироларнинг орасида катта иқтисодий самара келтириши мумкин бўлганлари анча эди.

Бирлашма ихтирочиларининг ҳафсаласини пир қиладиган яна бир нарса, лойиҳа ҳужжатларининг махсус лойиҳа бўлимида ўз муддатида ишлаб чиқарилмаслигидир. Ишланмалар белгиланган уч ой ичида тайёр бўлиши ўрнига, йиллар давомида чанг босиб ётиши мумкин. Қизиғи шундаки, аҳволнинг бундай тус олганлиги ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган.

Яқинда бирлашма бош муҳандиси билан илмий техника маълумотномаси бўлими ҳамкорликда яхши бир ташаббус билан чиқишди. Бирлашмада халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этиладиган, ҳисса қўшадиган ихтиро ва рационализаторлик таклифларига бериладиган мукофотлар Низоми ишлаб чиқилди. Зора, янги Низом сабаб, бирлашмада ижодкор ишчи-хизматчиларни аниқлаш, уларнинг ақлидан оқилона фойдаланишнинг имкони яратилса.

Низомда баён этилганидек, ўз қобилиятини синаб кўриш истагида бўлган шахслар, ташкилотлар ўзлари ихтиро қилган халқ истеъмоли буюмининг намунасини тақдим этишлари ва уни кўп миқдорда ишлаб чиқаришга қўйишлари мумкин экан. Тайёргарлик муддатларини қисқартириш ва қўшимча ишчи кучи жойларини ташкил этиш мақсадида ихтиро муаллифига бирлашманинг мутахассисларини ёки шартнома асосида четдан, ўзи хоҳлаган ҳаммуаллифларни таклиф қилишига имконият яратилади. Шунда бирлашма ҳам «олма пиш оғзимга туш» қабилида тек турмайди. У муаллиф билан ўртада битим тузиб, ихтирони чиқаришга жорий этишда зарур бўладиган мосламаларни тайёрлаш билан боғлиқ ишларни, смета бўйича керак асбоб-ускуналарни сотиб олишни ўз гарданига олади.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган ва иқтисодий самара келтирган ихтиро учун муаллиф уч йил давомида ҳар чорак бадалида мукофот пули олади. Олганда ҳам, илгаригидек эмас, мўмайгина олади.

Агар корхонада чиқарилган ва савдо шохобчаси орқали сотилган халқ истеъмоли буюмининг корхона ихтиёрида қоладиган фойда миқдори бир чоракда 100 минг сўмгача бўлса, муаллифга тўланадиган мукофот пули 12 фоизни, агарки, фойда миқдори бир чоракда 100 минг сўмдан 250 минг сўмгача бўлса, муаллифга фойдадан 12 минг сўм ва яна 10 фоиз қўшимча ҳақ ажратилади. Бир чоракда корхона ихтиёрида қоладиган фойданинг миқдори 250 минг сўмдан ошадиган бўлса, у ҳолда муаллифга 27 минг сўм ва яна фойданинг 8 фоизи миқдорида мукофот пули берилади. Фойда 500 минг сўмдан ошадиган бўлса, 47 минг сўм ва 6 фоиз, миллион сўмдан ошадиган бўлса, мукофот пули 77 минг сўм ва 4 фоизни ташкил этади.

Ҳар чорак якунланганидан кейин муаллиф 20 кун ичида бирлашманинг режа-иқтисод бўлимидан мукофот пулини олиши мумкин бўлади.

Шу ўринда «Хўш, битим қандай тузилади», деган савол туғилиши табиий. Низом бу ҳақда ҳам муфассал тушунтириш берган. Ҳуқуқий ёки жисмоний шахслар «муаллиф томон сифатида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-техника маълумотномаси бўлимига ариза беришади. Мазкур бўлим беш кун ичида муаллиф билан битим тузади. Ва бош директор тасдиғидан ўтказади. Ундан кейин ихтирочи тараққиёт майдонида бемалол жавлон уриши мумкин.

Низомнинг чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа муддат ичида бир неча яхши таклифлар тушди. Бирлашма маъмурияти мазкур масала бўйича ёлғиз корхона ихтирочиларининг меҳнати билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Ажойиб ихтиролар уммонида юрган, лекин ҳаётга тадбиқ эта олмай қолган барча қобилиятли инсонларни бирлашмага таклиф этиш ниятида.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

Кўпнинг кенгашига

ТАРИХ ФАНИ ВА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ

МАОРИФ муаммолари минг карвонга юк бўлади, деганлари рост экан. Муаммолар ҳақиқатан ҳам кўп. Мактабда тарихдан дарс бераман. Қийин бўлганда бизларга — тарих муаллимларига қийин бўлди. Ўнларча йиллар давомида ўзимиз ҳам алданиб, ўқувчиларимизни ҳам алдаб юраверган эканмиз. Тарих дарсликларининг бир томонлама ёзилганлиги, ундаги маълумотларда ҳаётий ҳақиқатнинг оз эканлиги аён бўлди. Бир сўз билан айтганда, уларнинг деярли яроқсизлиги билиниб қолди. Айни чоғда мустақил Ўзбекистон маорифчилари талабларига жавоб бера оладиган, тарихий ҳақиқатни бузмай, бирёқламаликдан қочиб, рўй-рост ёзилган китоблар ҳали йўқ. «Маърифат» рўзномасида бир неча ой давомида «Ўзбекистон халқлари тарихи» конспекти тариқасидаги материал чоп этилди. Аммо ундан ўқитувчигина фойдалана оларди, холос. Нима қилиш керак? Мактабларимизда тарих дарсларини ўқитиш муаммолари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларим, таклифларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввало, жумҳуриятимиз мактабларида тарих фанини ўқитиш дастурини пишиқ-пухта ишлаб чиқиб, чоп этиш ва олимларнинг, маорифчиларнинг, кенг жамоатчиликнинг муҳокамасидан ўтказиш керак. Шу дастур асосида ёзилажак тарих дарсликларининг режалари, йирик мутахассислар, илғор муаллимлар назаридан четда қолмаслиги лозим.

Диёримиз жаҳон фани, маданиятига салмоқли ҳисса қўшган ўнлаб буюк қомусий даҳоларни берган. Улуғ бобокалонларимизнинг деярли барчалари тарихнавис бўлишган ёки тарихга оид бирор рисола ёзиб қолдиришган. Ўша алломаларимиз ёзган китоблардан парчалар олиб, тарих фани режаларига, мавзуларига мос қилиб «Тарихимиздан лавҳалар» ёки «Тарихимиз хрестоматияси» туркумини яратиш айни муддао бўларди. Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар», Бобурнинг «Бобурнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»), Мирхонд, Хондамирнинг рисолаларидан, «Темир тузуклари»дан ва бошқа ўнлаб манбалардан ўқувчиларнинг ёшларига мос лавҳалар топиб, шулар асосида китобчалар чиқарилса, дейман. Бизнинг энг тўғри, ҳақиқий тарихимиз ана шу манбалардан-ку, ахир! Аждодларимизнинг босқинчиларга қарши, истиқлол учун курашлари, улар яратган ҳар бир буюк асар, тарихий обида, улуғ ишлари ҳозирги болалар онгига, шуурига, қалбига муҳрланиши керак, Зеро, тарих ўқитишнинг асл мазмуни, мақсади ҳам шу.

Хўш, бизга бундай дастурларни кимлар тайёрлаб беради? Фанлар академиясида тарих илмгоҳи, ҳар бир олий билимгоҳда тарих кафедралари борки, уларда юзлаб олимларимиз ишлашади. Улар мактаб муаллимларига ёрдам берадиган, унга кўмакдош, ҳамдард, ҳамфикр бўладиган даврлар келди.

Кейинги йилларда мактабларимизда «Одобнома» дарси киритилди, 1-2 қўлланма ҳам чоп этилди. Аммо, «Одобнома» бизнинг тарихимиз билан чамбарчас боғлиқ, бу қўлланмаларда эса масаланинг ана шу томони етарли очилмаган. Халқимиз асрлар давомида «Қобуснома», «Калила ва Димна», «Ҳадислар»дан, «Муошарат одоби» каби ўнлаб дурдоналардан тарбия олди. Назаримда, «Одобнома» ана шу рисолалар асосида умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёзилиши керак.

Тарих дарсликларида, табиийки, у ёки бу халқ ҳаётида ниҳоятда катта из қолдирган шахслар, миллий қаҳрамонлар ҳақида гапирилади. 7-синфда «Ўрта асрлар тарихи»дан «Француз халқининг босқинчиларга қарши кураши. Жанна д'Арк» мавзуини ўтаётган эдим. 18 ёшли француз қизи Жанна халқ қаҳрамони бўлганини, «Азиз ватанни қутқариш ниятини худо дилимга солганига ишончим комил», дея жангга кирганини, кейинчалик у Франциянинг миллий қаҳрамони бўлиб қолганини айтдим. Ўқувчиларим саволларга кўмиб ташлашди: бизнинг миллий қаҳрамонларимиз кимлар? Нега улар ҳақида дарсликларда ёзилмаган?

Бизнинг ўн тўрт асрлик тарихимиз, ҳаётимиз ислом дини билан боғлиқ. Юртимиз ислом оламига машҳур уламоларни, ҳадис илмининг буюк олимларини берди. Аммо кўпчилигимиз улар ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Мактабларга янги предмет киритиш жоиз кўринади. Уни, масалан, «Ислом тарихи ва ҳадис илми» деб аташ мумкин. Унда дунё динлари, хусусан, ислом дини тарихига оид маълумотлар, ахлоқ-одобга, илм ўрганишга чорловчи ҳадислар, ислом уламоларининг ҳаёти ва фаолиятидан ибратли лавҳаларни ўргатиш мумкин. Шу билан бирга, баъзи маросимларда кўпроқ ўқиладиган суралар, оятлар (тафсири билан)дан, Ислом билан боғлиқ турли расм-русумларимиз, урф-одатларимиз ҳақида маълумот берилади. Бундай фан мактабга, ўқувчиларимизга, ҳаммамизга зарур — бу бизнинг тарихимиз, ундан юз ўгира олмаймиз. Бундай дастурни тайёрлашда маорифчилар ва уламоларимиз ҳамкорлик қилишлари керак, албатта. Бу китоб миллионлаб кишиларимизни энг зарур, минимал диний билим билан таъминлар эди, бизнинг кўзимизни очарди.

Ислом оламида энг ишончли деб топилган ҳадислар тўпламининг муаллифлари Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Абу Муҳаммад ас-Самарқандий каби ўнлаб юртдошларимиз фаолияти билан ўқувчиларни батафсил таништириш лозим...

Болаларнинг саволлари ўринли, албатта. Уларнинг бундай саволлари мени қувонтиради. Зеро, улар фикрлаяпти, масаланинг моҳиятига етмоқчи, дарсга бефарқ эмас. Фикримча, нафақат ўқувчилар учун, балки халқимиз учун «Миллий қаҳрамонларимиз» китобчалар серияси зарур.

Яна бир жиддий масала — бу биз яшаётган минтақанинг номи. Нафақат тарих китобларида, бошқа китобларда ҳам, воқеа қайси даврда кечаётганига қарамай — хоҳ у давр эрадан олдин, хоҳ ҳозиргиси бўлсин, барибир — бизнинг юрт ҳақида гап кетганда «Ўрта Осиёдаги давлат» ёки «Ўрта Осиё республикаси» дейишади. Бундай дейиш нотўғри, албатта. Ўрта Осиё атамаси 1924-25 йилларда киритилди. Бу ҳудуд то 1923-24 йилларгача Туркистон (ундан аввал эса, Мовароуннаҳр) дея номланган. «Туркистон» сўзи бу ерда яшовчи халқларнинг келиб чиқиши, илдизларининг бирлигини, уларнинг қон-қардошлигини эслатиб турарди. «Ўрта Осиё» атамаси «Туркистон» сўзидаги бу маънони силлиқлаб юборади, сийқалаштиради, бизни аждодларимиздан узоқлаштиради. Ҳаттоки, Туркистон университетини Ўрта Осиё университети деб атай бошлашган. Ваҳоланки, имзо чекилган декрет «Туркистон университети»ни таъсис этиш ҳақида бўлган. Модомики, бу ҳужжатдаги сўзлар бошқаси билан алмаштирилган экан, демак, бу кимларгадир жуда-жуда зарур бўлган. Ўша даврларда «Туркистон» сўзи бор ҳамма газета, ташкилот ва ҳоказолар номи алмашган, фақат «Туркистон ҳарбий округи»нинг номи сақланиб қолган. Бундай алмаштириш нима учун зарур эди, ундан кўзланган мақсад нима эди? Китоблардан жавоб топа олмайсиз.

«Ўрта асрлар тарихи»да V—XI асрларда Ғарбий ва Марказий Европа, Византия маданиятига, XI—XV асрлардаги Ғарбий Европа, XV—XVII асрлардаги Европа маданиятига катта ўрин берилган, махсус қисм, боблар бағишланган. Бироқ, илк ўрта аср ва ўрта асрларда бизнинг диёримиз фани, адабиёти, маданияти гуллаб-яшнаган бўлишига қарамай, бу ҳақда китобда маълумот йўқ даражада. Масалан, Берунийга бир ярим қатор, Ибн Синога 7 мисра ўрин берилган. Оврупо олимлари, рассомлари, ёзувчиларининг фаолияти етарлича таърифланиб, уларнинг расмлари, ижодларидан намуналар берилгани ҳолда, ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Улуғбек, Навоий, Аҳмад Яссавий, Темур, Камолиддин Беҳзод ва унинг тасвирий санъат мактаби ҳақида лом-мим дейилмаган.

Худди шундай ҳолни 9-синф «СССР тарихи»да ҳам кўрамиз. V боб «XIX асрнинг I ярмида Кавказ халқлари», XI боб «XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиё ва Сибирь халқлари» деб номланиб, ҳар бир бобга олти ярим бетдан, жами 13 бет ажратилган. Китобнинг қолган 250 бети Россия халқларининг маданиятига бағишланган бўлиб, бизнинг халқ вакилларидан бирортаси тилга олинмаган. Қозоқ халқининг вакили Абай Қўнонбоев ҳақида тўртта жумла бор, холос. Аммо Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги кўпгина халқлар «Россияга қўшиб олингунига қадар ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётлари жиҳатидан анча орқада эдилар» дейилган. Ёзилажак, янги китобларда бундай ноҳақликларга чек қўйилса, бой тарихимиз ҳаққоний, холисона ёритилса, деймиз.

Бинобарин энди болаларнинг «Нега шундай?», «Нима учун?» деган ҳақли саволларига жавоб бериш вақти етди. Ўнлаб даҳоларимиз ҳаёти, фаолияти ҳақида мактаббоп рисолалар, тарихий обидаларимиз, тасвирий санъатимиз намуналари акс этган фотоальбомлар, диафильмлар керак. Эркин фикрловчи, мағрур, ҳақ-ҳуқуқини танувчи ва талаб қилувчи аждодлар меросининг қадрига етувчи бугунги ва келгуси авлод учун зарур улар...

Жамила ҚОДИР қизи, Тошкентдаги 246-мактаб муаллимаси.

⊙ Ижобий ўзгаришлар сари қадам қўяётган олий ўқув юртлари орасида Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг профессор-ўқитувчилар жамоаси муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бунда ўқитишнинг янги шаклига ўтиш учун янги дастурлар ишлаб чиқиляпти. Жамоатчи мухбирларимиз янгиланиш жараёнида қилинаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб бериш учун журналистика факультетининг декани Бекир Мамутовга бир неча саволлар билан мурожаат қилишди.

Олий таълим: муаммолар, ечимлар

ЭНДИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

— Бекир Аблоевич, мана, бу йилги ўқиш мавсуми ҳам охирлаб бормоқда. Ўтган вақт мобайнида журналистика факультети ижобий ўзгаришларни бошидан кечирибди. Суҳбатимизни ана шу янгиликлардан бошласак.

— Биз ўтган йилнинг баҳор ойидан бошлаб талабалар ва жамоамизнинг таклифларини инобатга олган ҳолда янги ўқув режасини тузишга киришдик. 1991 йили кундузги, сиртқи бўлимга қабул қилинган талабалар шу янги ўқув режалари асосида таълим олмоқдалар. Президентимиз Фармони асосида жаҳон олий таълим даражасига етиш учун икки поғонали таълимнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқяпмиз. Бунда аввало бакалавр унвони билан магистр унвони назарда тутилган. Демак, бакалавр унвонига етишиш учун талабалар тўрт йил таълим олиб, журналистика соҳасида асосий вазифаларни бажаришга тайёр бўлишлари керак. Журналистика бўйича сиёсатшуносликни, журналистикани тадқиқ этишда ва чет элда ишлаш борасида ўз билимларини мустаҳкамлашлари учун магистратура деган яна икки йиллик ўқув босқичини ўтайдилар. Шу кунларда унинг зарур ҳужжатларини тайёрламоқдамиз.

— Журналистика соҳасини мукаммал ўқитиш учун қандай янги фанлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилди?

— Режамизга биноан асосий фанлар икки йил ўқитиладиган бўлади. Бўлажак журналистлар I—II босқичларда фақат асосий фанлардан таҳсил оладилар. Илгари дарс жадвалида бир ёки икки фан кўрсатилган бўлса, эндиликда тўрт босқич давомида учта фан кўрсатилади. Улардан иккитаси ҳам янги, ҳам қизиқарли бўлган журналистика асослари ҳамда журналистика назарияси ва услубияти деган фанлардир. Бундан ташқари журналистикага оид бўлган техникани ўрганиш ҳам назарда тутиляпти. III ва IV босқичларда асосий фанлар ўрнига фақат махсус фанлар ўқитилади. Бундан талабаларимиз шундай эркинликка эга бўладиларки, оқибатда уларга ўзлари танлаган махсус фанларни тинглашлари учун муайян шароит яратилади.

— Талабаларнинг амалий жараёни хусусида қандай янги шакллар йўлга қўйилган!

— Бакалавр поғонасидаги ўқув дастурида бу масалага катта аҳамият бераяпмиз. Мазкур ўқув йилидан бошлаб иккинчи босқич талабалари олти соатлик, яъни уч жуфтлик ўқишдан сўнг истаган муҳарририятларига бориб таҳририят ишида ҳамкорлик қилишлари мумкин. Ҳамкорлик натижалари талабаларнинг синов ҳамда имтиҳон баҳоларига таъсир этади. Бундан ташқари, талабаларнинг ўқув жадвалига I-босқичдан бошлаб олти ҳафталик амалий мавсум (ишлаб чиқариш семестри) киритилган. Бўлажак журналистларимиз юқорида айтилган умумий фанларни тинглаганларидан сўнг III ва IV босқичларда улар учун «Ижодий устахона» ташкил этиш ҳаракатидамиз. Бундай устахоналарда иложи борича бир нечта талабаларнинг гуруҳини тузиб, тажрибали журналистларимизни машғулот олиб боришлари учун таклиф этмоқчимиз.

— Мустақил давлат журналистларининг ўзига хос ҳуқуқлари ҳам назардан четда қолмагандир!

— Аввало республикамизда қабул қилинган «Матбуот ҳақида»ги қонун журналистларимизнинг ишига анча аниқлик киритганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу қонунлар уларнинг масъулиятини кенгайтириб, ҳуқуқларини белгилаб берган. Ёшларга мазкур қонун ҳамда «Журналистлар фаолияти ва одоб-ахлоқи ҳақида»ги қонунлар асосида таҳсил олишади. Буларга тўла амал қилган бўлажак журналистларимиз дорилфунунни тамомлаб, муҳарририятларга борганларида барча талабларга жавоб беришларига ишонаман.

— Муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида фикрингиз.

— Дорилфунун деганда кўпчилик барча имкониятлар яратилган ўқув даргоҳини тушунади. Афсуски, факультетимизнинг моддий-техника базаси анча ночор. Шу кун талабларига жавоб бермайди. Бизда бешта тажриба хонаси бўлиб, қўлланилаётган техник воситаларимиз, айниқса журналистика техникаси анча эскирган. Шу билан бирга ўқув зали масаласини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Сиртқи бўлимда билим олаётган талабаларимиз кўп. Улар йилда икки марта келадилар. III—IV босқичга бўлиниб, навбат билан келганларида ҳам ўқитиш жуда қийин бўлмоқда. Ўйлаймизки, бундай муаммони ечишда муассасалар, раҳбариятлар бизга ёрдам берадилар. Энди ўзимизга боғлиқ бўлган муаммони айтсам, бу — кадрлар муаммоси. Бизнинг бўлажак журналистларимиз тадқиқотчи, назариётчи эмас, амалиётчи бўлиш истагидалар. Қобилиятли битирувчиларимизни таклиф этсак ҳам амалиётга қизиқиб, муҳарририятларга кетяптилар. Биз ўтган ва бу йилги битирувчиларимизни, айниқса иқтидорлиларини аспирантураларга таклиф этамиз. Улар журналист-ўқитувчи соҳаси билан ҳам қизиқиб, бизга ёрдам берадилар деб ишонамиз. Авваллари Москва, Ленинградга ишонган бўлсак, эндиликда ўзимиз ўз кадрларимизни тайёрлашимиз даркор. Тайёрлаганда ҳам малакали, шу соҳанинг ҳақиқий жонкуярлари бўла оладиган ёшларни танлашда янглишмаслигимиз керак. Бир сўз билан айтганда, энди ҳаммаси ўзимизнинг ташаббускорлигимиз, тадбиркорлигимизга боғлиқ.

Саломат АБДУРАҲМОНОВА, Ҳамид СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашдилар.

Тошкент тажриба — экспериментал ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Сантехоборудование» заводида энг мураккаб пайванд ишлари синаб кўрилади, Тажриба—синов ишларини бажаришдан олдин тегишли лойиҳа чуқур ўрганилади. Бу борада тажрибали ишчиларнинг ўрни алоҳида.

— Лойиҳани синчиклаб ўрганилса, амалга ошириш лозим бўлган иш ҳам осон кўчади, — дейди пайвандчи Шоюсуп Ғозиев. — Шунинг учун ҳар бир босқични меҳр билан, катта иштиёқ билан ўрганиш керак.

СУРАТДА: чилангар-сантехниклардан Шоюсуп Ғозиев, Зуфар Сулаймонов ва Шокир Асимовлар янги лойиҳани кўздан кечиришмоқда.

Усмон Усмонов сурати.

Минг бир касб

МУОМАЛАСИ ШИРИН

ЕР юзида қанча инсон бўлса, шунча нуқтаи назар мавжуд, деб бежиз айтишмаган. Пойтахтимиздаги 7-дорихонада ишловчи Фарида Нурматова ўзининг ширин муомаласи билан жамоа ўртасида катта ҳурмат қозонган. Одатда бирон дорини дорихонадан сўрасак, йўқ деган жавобни эшитамиз. Фарида эса бу сўзни ишлатмасликка ҳаракат қилади. Иложи борича лозим бўлган дориларни топиб беришга, йўқ бўлган тақдирда ҳам кишининг руҳини туширмасликка интилади. Доимо қандай бўлмасин беморнинг дардига шифо бўладиган бошқа дориларни тавсия қилади.

Ўз вақтида Фаридахон ҳам ўз касбининг устаси бўлгунга қадар машаққатли йўлни босиб ўтди. Ҳаёт тажрибалари асосида шундай хулосага келдики, кишини ҳар хил дори-дармонлардан кўра илиқ сўз тезроқ даволайди. Ширин муомала кишига хотиржамлик бағишлаб, унда мустаҳкам ирода ва ҳаётга қизиқиш ҳиссини уйғотади.

— Фарида опа ишбилармон, ширинсўз, оилада меҳрибон она, — дейди дорихона мудири М. Исмоилов. Унинг самимий сўзларига мафтун бўлмай иложингиз йўқ.

Анатолий АНИСИМОВ.

ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

ГУЗАЛ табиатни, атроф-муҳитни асраш ва муҳофаза қилиш йўлида кўрилаётган тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Бу муҳим ишда илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари мутахассис олимларининг ҳам иштироки катта бўлмоқда. Чунончи, Тошкент давлат техника дорилфунуни томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар ҳам бу борада жуда қўл келмоқда.

Олий ўқув юртининг бир гуруҳ олимлари табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуини тайёрлашда илмий фаоллик кўрсатдилар. Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан биргаликда бажарилган бу жараён шу воҳанинг яқин ўн-ўн беш йилгача бўлган даври мобайнида амалга ошириладиган муҳим экологик ишлар ўз аксини топди.

Саодат ОДИЛОВА.

Само сирлари

ЮЛДУЗЛАР НЕГА ПОРТЛАЙДИ?

«ВАҚТ ярим тундан ошган эди. Мен ухлашга қарор қилдим», — деб ҳикоя қилади Чилининг Лас-Кампанас обсерваториясида кузатиш ўтказаётган канадалик астроном Шелтон. Бироқ, ухлашдан олдин олим юлдузлар осмонининг расми туширилган фотопластинкаларни ишлашни лозим топди. Фотопластинкаларни кўздан кечираётиб, улардан бирида жуда равшан доғ — юлдуз тасвирини кўрган Шелтоннинг дами ичига тушиб кетди. «Дастлаб мен бу пластинканинг нуқсони бўлса керак деб ўйладим, бироқ кейин билсам, гап бутунлай бошқа нарсада экан».

Олим ташқарига чиқиб, ҳеч қандай телескоп ва дурбинсиз осмондан фотопластинкада расми акс этиб, Катта Магеллан Булутида «пайдо бўлган» янги юлдузни осонгина топди. Бу ҳодиса 1987 йилнинг 24 февралига ўтар кечаси рўй бериб, астрономия тарихида кўпдан буён кутилган ғаройиб бир воқеа эди. Бу — Галактикамизга қўшни Катта Магеллан Булути деб номланган Галактикада жуда катта қувват билан портлашининг кузатилиши бўлиб чиқди. Ўта янги юлдузлар дейилувчи бундай юлдузлар чақнаганда чиқарган нурланиш энергиясини Қуёш қарийб ўн миллион йилдагина чиқара олади. Қуёшнинг ҳар сониядаги нурланиш энергияси 12 минг триллион (10^{12}) тонна тошкўмирни ёққанда ажраладиган энергияга тенглигини эътиборга олсак, ўта янги юлдузнинг энергияси нақадар улканлиги аён бўлади.

Қизиғи шундаки, 23 февраль тунда кузатилган чақнаш аслида бундан 180 минг йил олдин рўй берган бўлиб, унинг нури бизга энди етиб келди. Бинобарин, Катта Магеллан Булути Галактикамиздан 180 минг ёруғлик йили масофада жойлашгандир. (1 ёруғлик йили ёруғликни бир йилда ўтган йўлига тенг бўлиб, тахминан ўн триллион (10^{13}) километрга тенгдир). Бошқача айтганда, бу юлдуз чақнаган давр қадим музликлар даври бўлиб, у пайтда Африканинг жануби ҳозиргидан анча совуқ эди.

Юлдузларнинг бу хилдаги портлаши табиатда жуда кам учрайдиган ҳодисадир. «Қуролланмаган» кўз билан кузатилган бундай воқеа охирги марта 1604 йилда Илон элтувчи юлдуз туркумида рўй берган эди. Бу ҳодисани кузатган немис астрономи И. Кеплер ўз таассуротларини муфассал ёзиб қолдирган.

Хўш, юлдузларнинг портлашига сабаб нима? Қизиғи шундаки, улар ҳам табиат қонунига бўйсуниб туғилади, яшайди ва ўлади. Бироқ барча юлдузларнинг ҳаёт йўли бир хил бўлсада, уларнинг оқибат-натижадаги «тақдири»ни ҳар бирининг вазни белгилайди. Хусусан, юлдузлар ҳаётига тегишли назарий ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, агар уларнинг вазни Қуёш вазни тартибида бўлса, (Қуёшнинг вазни 2.10^{22} тонна), у ҳолда бундай юлдузларнинг ядро «ёқилғиси» бўлган водород термоядро реакцияси туфайли (мазкур реакцияда водород атомларининг ядролари юқори ҳароратда қўшилиб, оғирроқ гелий атомини вужудга келтириши ҳисобига атом ядроларининг «яширинган» энергияси ажралади) ёниб бўлгач, юлдузнинг марказий қисми — «ўчоғи»да «кул»га айлана бошлаши билан босим камаяди. Натижада юлдузнинг гравитацион кучлари устунлик қилиб, уни ташкил этган материя оғирлик кучи таъсирида марказга томон туша бошлайди. Бу эса ўз навбатида юлдузнинг сиқилишига олиб келади. Бундай жараён юлдуз марказида унинг атомлари бир-бирига теккунига қадар давом этади ва атом қобиғидаги электронларнинг ўзаро силташ кучи атомларни сиқилишда давом қилишларига имкон бермайди. Натижада бундай сиқилиш туфайли, юлдузнинг ташқи ҳарорати ортиб, у оқ рангга киради. Сиқилиш туфайли кичрайган бундай юлдузлар ранги сабаб оқ миттилар деб юритилади. Оқ миттилар совугач, ўзидан нур чиқармайдиган ҳолга келади. Бошқача айтганда, вазни Қуёшдек юлдузларнинг ҳаёт йўли шу хилда тугайди, яъни у юлдуз сифатида ҳалок бўлади.

Бироқ юлдузнинг вазни Қуёш вазнидан 8 мартадан ортиқ бўлса унинг умри қисқа, аммо ёрқин бўлади. Мазкур юлдузларнинг «ўлими» ҳалокатли портлаш билан якунланади. Бир неча миллион йил давомида муттасил «ёнган» массив юлдуз ўз бағридаги водородни гелийга айлантириб бўлгач, сиқила бошлайди. Гравитацион кучлар таъсирида сиқилиш оқибатида ҳарорат яна кўтарилиб, тахминан 180 миллион даражаларга эришгач, гелий атомларининг синтези (қўшилиши) бошланади. Оқибатда бундай қўшилиш туфайли қўшимча энергия ажрала бошлайди ва ҳароратни янада кўтарилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, юлдузни дамланаётган коптокдек қайта кенгайишига сабаб бўлади. Бундай кенгайиш бир неча 10 минг йил, яъни гелий қўшилиш туфайли углерод ва кислородга тўла айлангунга қадар давом этади. Шундан сўнг юлдузнинг қайта шишиши ва сиқилиши қисқа даврлар билан юқори ҳароратда қайтарилиб туради.

Юлдузнинг ядросида, эслатилгандек, кремнийни темирга айланиши билан термоядро синтези реакцияси барҳам топиб, у ерда ҳароратни ва босимни кескин тушиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳол юлдузнинг ядро қисмида материянинг кескин (жуда қисқа вақт — секундлар ичида) сиқилиши содир бўлишига олиб келади. Бу сиқилиш оқибатида митти юлдузлардаги каби атомлар бир-бирлари теккач, тўхтамай янада сиқилади. Бундай ҳол энди атомларнинг электрон қобиқлари эмас, балки ядролари бир-бирларига теккунга қадар давом этади.

Қадим қўлёзмалардан маълум бўлишича, охирги минг йил ичида Галактикамизда 3 та ўта янги юлдуз чақнаган. Булардан энг диққатга сазовори 1054 йили 4 июлда Савр юлдузи туркумида чақнаган ўта янги юлдуз ҳисобланади. Хитой қўлёзмалари бу юлдуз чақнаганда бир неча кун давомида кундузи кишилар уни бемалол кузатганлари ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу юлдуз Қуёш системамиздан атиги 6 минг ёруғлик йили масофада (яъни 6.10^{19} км) жойлашиб, портлаш пайтида юлдуз вазнининг асосий қисми секундига 6000 километр тезлик билан юлдузлараро бўшлиққа улоқтирилган. Қизиғи шундаки, улоқтирилган газ булути ҳозирга қадар кенгайишда давом қилади (айни пайтдаги кенгайиш тезлиги секундига 1000 километрни ташкил этади). Оқибат-натижада ҳосил бўлган туманлик қисқичбақасимон туманлик деб юритилади.

Бу ҳодисадан 500 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Кассионея деб аталувчи юлдуз туркумида чақнаган ўта янги юлдузни машҳур астроном Тико Браге мазкур жараён ҳақида кўрганларини «Янги юлдуз ҳақида» деган рисоласида тўла баён қилди. Шундан сўнг 1604 йилда Илон элтувчи юлдуз туркумида навбатдаги юлдуз чақнашини И. Кеплер кузатди.

1604 йилдан буён Галактикамизда бирорта ўта янги юлдузнинг чақнаши кузатилмаган эди. Гарчи бу даврда қўшни Галактикаларда бу хилдаги бир неча юлдузнинг чақнаши кузатилган бўлса-да, бироқ улар жуда узоқ масофада (миллион ёруғлик йили) бўлганлигидан, ҳатто чақнашлари инсон кўзига кўринмас ёки зўрға кўриниши туфайли кўпчилик эътиборини торта олмасди. Охирги шундай чақнаш Галактикамиздан 2 миллион ёруғлик йили масофада жойлашган Андромеда Галактикасида 1885 йилда кузатилган. Бироқ бундан 100 йил муқаддам чақнаган бу юлдузни ўрганиш учун қувватли астрономик асбобларнинг бўлмаганлиги ва астрофизик услубларнинг ўта соддалиги (ҳозиргилари билан солиштирганда) ўта янги юлдузларнинг физик табиати ҳақида тўла маълумот олишга имкон бермасди.

Навбатдаги, 1987 йилдаги (мақола аввалида келтирилган ҳодиса) юлдуз чақнаши астрономлар учун кутилмаганда жуда катта инъомлар қилди. Гап шундаки, биринчидан бу юлдуз Андромеда туманлиги юлдузидан (1885 йили чақнаган) қарийб 12 баробар яқин масофада жойлашган Галактикада портлади ва шунинг учун ҳам анча равшан эди. Иккинчидан, у замонавий астрофизик услублар ва қувватли оптика ва радиотелескопик асбоблар ёрдамида ўрганилди.

Чақнашнинг биринчи куни бу юлдузнинг равшанлиги 1500 марта ортди. Шуни алоҳида айтиш керакки, юлдуз осмоннинг жанубий ярим шарида Олтин балиқ юлдуз туркумида жойлашган Тарантул туманлиги (Галактикаси) дейилувчи Катта Магелан Булутида чақнаганлиги туфайли Ернинг шимолий ярим шаридан, жумладан, биз яшаётган ҳудудда уни кўриб бўлмайди. Биринчи бўлиб бу юлдузни портлаётганида И. Шелтон ва О. Духадллар хабар топишди. Бу ҳодиса кечаси, маҳаллий вақт билан соат 1 ларда (дунё вақти билан соат 6 ларда) рўй берди. Улар самонинг Олтин балиқ юлдуз туркуми участкасини диаметри 25 сантиметрли телескопда 3 соатлик экспозиция билан расмга олаётиб, табиатнинг бу ажойиб ҳодисаси гувоҳи бўлдилар. Шундан сўнг 3 соатлар ўтгач, бу ҳодисани Янги Зеландияда яшовчи астрономия ҳаваскори А. Жонс кузатди.

Бундай улкан чақнаш юлдуз ядросидан чиқаётган найтрино оқимининг «иши» бўлганидан мазкур чақнашни нейтрино нурларида кузатиш олимлар учун жуда қизиқарли эди. Академик Я. Б. Зельдович ва физика-математика фанлари доктори О. Х. Гусейновларнинг 20 йиллар олдин қилган ҳисоб-китобларига кўра, ўта янги юлдузлар портлаганда уларнинг нейтрино заррачаларида чақнаши оптик диапазонда чақнашидан анча олдин рўй бериши керак эди. Дарҳақиқат, юлдуз оптик диапазонда чақнашидан тахминан 1 сутка олдин уни нейтрино «телескоплари» — детекторлар қайд қилдилар. Ҳозирча Ер шарида бундай детекторлар 4 жойда — Америка Қўшма Штатларининг Эри кўли остидаги ташландиқ туз конида, Италиянинг Монблан тоғи этагидаги ер ости йўлида, собиқ СССРда Эльбрус тоғи этагидаги Баскан ғори ва ниҳоят Япониянинг Камиока руда кони ғорида ўрнатилгандир.

Шартли равишда «1987 А» деб аталган ўта янги бу юлдуз оптик диапазондан ташқари ультрабинафша, рентген ва қувватли радиоактив гамма нурларида ҳам чақнади. Ультрабинафша нурларда бу юлдузни Ердан 1977 йилнинг кузида Қуёш системасининг узоқ сайёраларига «сайрга» чиққан Америка Қўшма Штатларининг «Вояджер-2» космик аппарати Ердан берилган «буйруққа» биноан кузатишга бошлади (айни пайтда бу аппарат Урандан ўтиб, Нептун сари бормоқда).

Ультрабинафша нурларда юлдузнинг чақнашини, шунингдек I ИЕ («Интернайшнл ультравиолет эксплорер — халқаро ультрабинафша тадқиқотлар) сунъий йўлдоши ҳам кузатишда давом қилди. Собиқ Совет Иттифоқининг «Астрон» астрофизик станцияси ўта янги юлдузни рентген нурларида, Америка Қўшма Штатларининг «Солар Макс» йўлдоши эса юлдузни гамма диапазонида кузатди. Олинган маълумотларнинг натижаси чақнашнинг дастлабки босқичида ўта янги юлдузда улоқтирилган газ қобиқ секундига 10 минг километр тезлик билан узоқлашаётганини маълум қилди.

Қизиғи шундаки, агар бундай юлдуз бизга яқин жойлашган юлдузлардан бирида кузатилса эди, у ҳолда унинг ультрабинафша, рентген диапазонига тегишли радиоактив нурлари ва қувватли самовий нурлар таъсирида Ердаги ҳаёт аллақачон барҳам топган бўлур эди. Бундан қарийб 65 миллион йиллар илгари Ер юзидан динозаврлар қирилишининг боиси Қуёш системасига қўшни юлдузлардан бирининг ўта янги юлдуз кўринишида чақнаб, ҳалокатга юз тутишидан деб тушунтирувчи тахмин ҳам йўқ эмас. Гарчи бундай тахмин фойдасига «гапирувчи» илмий далиллар етарли бўлмаса-да, биздан узоқлиги тахминан 33 ёруғлик йили (энг яқин юлдузгача масофа 4,3 ёруғлик йили) бўлган жойда чақнаган юлдуз Ерни тўлин ойдан бир неча марта равшан ёритиши аниқ. «1987 А» ўта янги юлдуздан турли диапазонларда олинган маълумотларни солиштириб, унинг ҳақиқий «портрети»ни чизиш учун 23 март куни Штернберг номли Давлат Астрономия илмгоҳида академик, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Я. Б. Зельдович раҳбарлигида астрофизик семинар бўлиб ўтди. Машҳур совет олимлари И. С. Шкловский ва С. Б. Пикельнер хотираларига бағишланган бу анжуманда олимлар ўта янги юлдузни асримизда рўй берган Коинот янгиликлари ичида энг нодири деб баҳоладилар.

Мамадмусо МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари номзоди.

Бугунги Тошкент. Кунлар исиши билан шаҳримизнинг дам олиш масканларида Тошкентга ташриф буюрган меҳмонлар ва ҳамшаҳарларимиз кўпайиб қолишди.

СУРАТДА: дам олиш оромгоҳида.

Андрей Пишненко сурати.

Маънавий қадриятларимиз

КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ ЁҒДУ

МУСТАҚИЛ республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар кишиларга маънавий ва руҳий эркинлик истиқболларини очиб бермоқда. Халқ ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан таълим-тарбияда ҳам муҳим ислоҳотлар қилинмоқда. Эътироф этиш керакки, маълум даврда таълим-тарбияда, ўрта мактаб таълимида ҳам, олий таълимда ҳам бир ёқламаликка йўл қўйилди, халқимизнинг бой маънавий-маърифий мероси назардан четда қолди.

Маълумки, узоқ ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқи ўзининг таълим-тарбияга оид улкан меросини яратиб, такомиллаштириб келган, инсониятнинг юзлаб авлодларини инсонпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, дўстлик, саховат, илмпарварлик, мардлик, хушхулқлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Энг қадимги ёдгорликлар, муқаддас китоблар, қаҳрамонлик эпослари, таъбирномалар, қадимги қўшиқлардан бошлаб, араб халифалиги даврида ва ундан кейин таълим-тарбия, Қуръон ва Ҳадис илмининг ривожланиши, Ўрта Осиёнинг қомусий олимлари Ал-Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийларнинг педагогик фикр тараққиётига қўшган ҳиссалари, Имом Исмоил ал-Бухорий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Улуғбек, Аҳмад Дониш ва бошқаларнинг педагогик фикрларини таълим-тарбияга тадбиқ этиш вақти етди. Зеро, жумҳуриятимизда янгича тафаккур, маърифий ривожланишнинг янги босқичи бошланган ҳозирги даврда мактаб ва педагогика фани муаммоларини шарқ педагогикаси тараққиётидан ажраган ҳолда қараш билан ҳал қилиб бўлмайди.

Лекин тўғрисини айтганда, таълим-тарбияда бу бой меросимиздан, уларнинг ахлоқ-одобга оид дурдоналаридан кейинги йилларда кўпайиб кетаётган виждонсизлик, текинхўрлик, иккиюзламачилик, нопоклик, бузуқлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик каби иллатларнинг олдини олишда етарлича фойдалана олмаяпмиз.

Биз мактабларда тарбиявий соатларни, «Одобнома» дарсларини, оилавий суҳбатларни Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-Қулуб» ва бошқа асарларни ўқиб ўрганишга, уларнинг чуқур фалсафий мазмунини шарҳлашга, улардан ҳаёт муаммоларини ечишда фойдаланишга бағишлашимиз муҳим. Ахир ўтмишда Ҳофиз, Бедил, Фузулий, Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг ижодлари тўлалигича мактабларда, оилавий гуруҳларда, маҳалла гап-гаштакларида ўрганилган-ку. Улар ижоди инсонни камолга етказган, хулқ-одоб қоидаларини билишда инсон камолотининг мезони саналган: ота-она ва фарзандлик бурчи, оналар ва оталар илми, оилани бошқара олиш, ўзаро иттифоқлик, бир-бирини тушуниш ва ҳурмат этиш, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, маданияти, инсоннинг бир-бирига ва ўзгаларга меҳр-шафқати, мурувват ва оқибат кўрсатиши, турмушда вақтдан унумли фойдаланиш, дўстлик ва ўртоқлик, йигит ва қизлар муносабатининг ахлоқий ва миллий негизи, меҳмон кутиш ва емоқ-ичмоқ қоидалари, моддий таъминотни тўғри юритиш, тежаб-тергаб сарф этиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, оилада соғлом руҳий ва меҳнат муҳити яратиш, уй тутиш, пок ва самимий севги, муҳаббат, ўз жуфтини танлаш қоидалари, никоҳ тўйи ва бошқа анъаналарни ўтказиш, буларда умуминсоний ҳамда миллий талабларга риоя этиш ҳар бир маънавий етук шахс учун фазилат бўлган.

Ҳаётда имон, виждон, қадр-қиммат, меҳр-муҳаббат барча эзгу ишларнинг мезони бўлганидек, хулқ-одоб қоидаларини билмасдан туриб жамиятда соғлом маънавий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни вужудга келтирувчи шахсни тарбиялаш мумкин эмас. Чунки баркамол ахлоқ нормалари шаклланган жамиятдагина фаровонлик, тотувлик бўлади. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, саранжом-саришталик, сахийлик, тўғрилик, сабр-қаноат, одамгарчилик, тежамкорлик, озодалик, дид-фаросат, зийраклик, олижаноблик, тартиб-интизом, соғлом турмуш тарзи сингиб кетган инсон ҳеч қачон жамиятда буларнинг аксини қилмайди. Буларни тарғиб топтиришда биз ота-оналаримизнинг тажрибаси, улкан маънавий меросига таянамиз.

Яхши турмуш яхши умр ўтказиш билан боғлиқ. Донишмандларимиз яхши умр ўтказишнинг асосини хушхулқликда деб таъкидлаганлар. Шундай экан, яхши турмуш кечирмоқчи бўлган инсон аввало бу борадаги бой маънавий меросимизни ўрганмоғи зарур.

Замонамиз маънавий тараққиётининг ҳозирги даврида халқимизнинг ўтмиши, бой маънавий маданиятини ўрганишга, унинг ўлмас қадриятларини қайта тиклашга қизиқиш ортмоқда. Ўзбек халқи ўзлигини англаш, ноёб анъаналарини тиклаш учун курашмоқда. Ана шу шароитда ўзига хос шарқона, ўзбекона маънавий турмуш тарзимизни тиклашимиз муҳим.

Ўзбек халқи ўзига хос турмуш одобига эга. Бунда халқимиз томонидан минг йиллар давомида сайқалланиб келаётган урф-одатларимиз, анъаналаримизга, ана шу халқнинг донишмандлари томонидан яратилган тарбияга оид ноёб асарлардан ўрганишлари мумкин.

Хулқ одоби қоидалари одатда кундалик ҳаётий вазиятларда, муомала, муносабатларда вужудга келади. Бунда асосан, кишилар ўртасидаги хатти-ҳаракатлар, муомала тарбия воситаси саналади. Шунга кўра кундалик ҳаётингиздаги саломлашувдан бошланиб, инсоннинг жинси, ёши, ижтимоий ўрни ҳам ҳисобга олинади. Шу билан бирга байрамлар, тантанали маросимлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Буларга тўй тантаналарию меҳмон кутиш ва ҳоказолар киради.

Айниқса мотам маросимлари билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳам ўзига хосдир.

Хулқ одоби қоидалари меҳнат билан боғлиқ тартиб-қоидаларни ҳам ҳисобга олади. Масалан, ким қандай иш билан машғул бўлиши, болалар меҳнати, ота-оналар, бобо ва бувилар меҳнати оила аъзоларининг жинси, ёшига қараб тақсимланади. Шарқ оилаларида меҳнат тақсимотида ҳамма вақт «Кексалар иззатда, ёшлар хизматда» деган шиорга амал қилинади.

Ўзбек халқида севги, муҳаббат ҳамда жинсий масалалар, айниқса энг ботиний туйғу саналади ва уни намойиш этиш, кўз-кўзай қилиш, у ҳақда гапириб юриш одобдан ҳисобланмайди.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонидаги «Нуширавон ҳаё боғида» ҳикоятини мисол келтирмоқчимиз: «Нуширавон валиаҳдлиги чоғида бир қизнинг ишқи билан нотавон аҳволга тушиб қолади... Бир кун у чаманзорлардан хилват жойни танлаб, гулрух ёри билан суҳбат қурди. Бахтиёр шаҳзода ёрини қучмоқчи бўлган эди, гулъузор ҳам бунга рози бўлди. Дилбар ҳамдами томон у қўлини узатганда, бир туп наргисга шаҳзоданинг кўзи тушиб қолди. Шунда аҳволи ўзгариб, у қўлини тортиб олди. Суманбар ёри ҳайрон бўлиб сўради:

— Қўлингизни узатганингиз нимаси-ю, яна тортиб олганингиз нимаси?

Адабли шоҳ бунга шундай жавоб берди:

— Шундай бир висол дамида менга монеълик қилган нарса наргиснинг шаҳло кўзи бўлди...»

Ҳозирги пайтда ўз «севги»сини кўз-кўз қилиб, жамоат жойларида, катта-кичикнинг кўз ўнгида беҳаё хатти-ҳаракатлар қилиб юрган баъзи ёшларга юқоридаги ҳаё ва адабга оид ҳикоят нақадар ибратли!

Бой маънавий меросимиз эса ҳақиқий ибратлар хазинасидир.

Турмушда сиҳат-саломатлик, емоқ-ичмоқ, ювиниш-тараниш одоблари ҳам мавжудки, бу масалаларнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор.

Ўзбеклар кийим кийиш одобига ҳам қатъий риоя қиладилар. Бош кийими, устки ва ички либосларни кийиш, эркаклар ва аёлларнинг кийиниш одоби, мотам либослари ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Ҳатто имо-ишоралар, улар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, юриш-туришлар, бировнинг олдидан кесиб ўтмаслик, кулишнинг ҳам маълум қоидалари борки, булар ҳам кундалик ҳаётда ўзига хос риоя этиш қоидалари саналади.

Биз юқорида санаб ўтган ҳаёт ва турмушда билиш зарур бўлган, кундалик фаолиятимизда қўлланадиган хулқ-одоб қоидаларини замонамизнинг илғор анъаналари, урф-одатлари билан янада бойитиб, ривожлантириб боришимиз мумкин. Зеро, маданият, илмий тараққиёт инсонни камолга етказади. Турмуш одобини билган ҳар бир одам ўз оиласига, бир-бирига, жамиятга оғир юк бўлмайди, балки оила бахт-саодати йўлида ҳалол яшаб, нафратли нарсалардан юз ўгирадилар.

Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, бундай хазинамиз дурдоналари шу пайтгача на мактаблардаги таълим-тарбия жараёнида, на олий ўқув юртларида тўлиқ, маълум мақсадга йўналтирилган тизимда ўрганилди. Ваҳоланки, жаҳон маданияти тарихида бундай маърифатномалар ўзининг муносиб ва эъзозли ўрнига эга.

Шунга кўра Ўзбекистонда мактаб ва педагогика фикрларнинг тарихий томирлари, тараққиёти, унинг жаҳон халқлари қаторида тутган ўрни ва олдимизда турган оламшумул вазифаси ўз миллий педагогикамиз тарихини тузишга янгича ёндошишни давр тақозоси қилиб қўйди. Бу соҳадаги қадимий бой меросимизнинг қимматли манбаларини, бебаҳо хазинамизни юзага олиб чиқиш, уни ҳозирги замон илмий-педагогик тафаккури истеъмолига киритиш замон талабидир. Шунинг учун ҳам эндиликда ўзбек миллий педагогикаси тарихининг олдидаги вазифалар унинг миллий руҳи, миллий тафаккурини юзага чиқаришдан иборат бўлмоғи лозим. Биз умумжаҳон анъаналарини миллий анъаналар билан уйғун ҳолда ўрганиб, уларни миллий таълим ва тарбия эҳтиёжига яқинлаштириб, ўзбек педагогикаси тарихининг миллий ва ўзига хос қирраларини жаҳон миқёсига чиқариш муаммоларига эътиборни қаратишимиз лозим. Чунки асрлар оша халқимизнинг миллий қиёфасини акс эттирувчи маърифатномаларимиз бугунги кунда жаҳонга юз тутмоқда. Шу нуқтаи назардан энг қадимги маданий ёдгорликлар, Ўрта Осиёнинг қомусий олимларининг педагогик қарашлари, ҳадис илмининг пайдо бўлиши ҳамда унинг инсон маънавий камолотини тарбиялашдаги ўрни, Имом Исмоил ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковусларнинг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни, Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларнинг маърифий хизматлари, Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида маърифий муҳит, отинларимизнинг қизлар тарбиясида ўзига хос тарбия тизими кабиларни ўрганиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир миллатнинг маърифати, маънавий бойлиги камолоти, шу халқнинг маърифий анъаналари билан, бу анъаналарнинг маърифий жараёнда тутган ўрни билан белгиланар экан, биз уларга чуқурроқ кириб борсак кутилган самараларга эришамиз.

Санобар НИШОНОВА,
Низомий номли Тошкент давлат дорилмуаллимининг умумий педагогика кафедраси доценти.

Санъатимиз фидойилари

«БАЁТ»ДАН «ЧАМАН»ГА

РЕСПУБЛИКА ўқувчилар саройи «Чаман» фольклор-этнографик дастасининг бадиий раҳбари ва балетмейстери, Бутуниттифоқ халқ дасталари танловларининг совриндори Азимжон Азизовнинг айни вақтдаги фаолиятидан аввал, улар босиб ўтган йўл ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчиман.

Азим ака 1968 йил Октябрь районидаги 3-маданият уйида «Баёт» дастаси ташкил этди. Йиллар ўтган сари даста қатнашчилари сони ва концертлари сифати ҳам ортиб бораверди. Меҳнат, изланиш, интилиш ўз самараларини бера бошлади. «Баёт» дастаси «Халқ вокал-хореографик ансамбли» номини олди. Баётчиларни нафақат Тошкентда ёки республика шаҳарларида, балки ундан ташқарида ҳам зўр шод-хуррамлик билан кутиб олишган. 12 дан ортиқ хорижий давлатлар, собиқ Иттифоқнинг 50 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлари маданият уйлари, корхона, ташкилот жамоалари, ҳарбий қисм аскарлари, ишчи-хизматчилар, талабалар «Баёт» концертларидан баҳраманд бўлишган. «Баёт» студиясида сақланаётган «Фахрий ёрлиқ», «Раҳматнома»лар сўзимизнинг исботи, даста меҳнати натижаларини кўрсатувчи мезондир. Бу даргоҳ ҳозирда халқимизнинг севимли қўшиқчилари Бахтиёр Тўлаганов, Муҳриддин Холиқов, ака-ука Ғозиевларнинг ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўтаган.

Азим Азизов қарийб 20 йиллик умрини ана шу даргоҳни оёққа турғазиш, эл-юртга танитишга бағишлади...

Мана уч ярим йилдан бери Азим Азизов Республика Ўқувчилар Саройида меҳнат фаолиятини давом эттириб келяпти. Шу ўтган қисқа вақт ичида ушбу дастада иштирок этаётган тўгарак аъзоларининг сони 120 тага етди.

Дастанинг машғулотлари ниҳоятда қизиқарли ўтади, ҳар қандай концерт эса катта байрам тантанаси билан якунланади.

«Чаман» жамоаси ёш бўлишига қарамай концерт репертуарлари ниҳоятда бой ва сермазмун бўлиши билан бирга гастроль таржимаи ҳоли ҳам анчагина кенгайиб қолди. Даста аъзолари дастлаб Москва шаҳрида, сўнгра Ленинград, Киев, Душанбе, Бишкек шаҳарларида ўтказилган турли танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб етакчи ўринлар, медаллар, дипломларга сазовор бўлмоқдалар. Айниқса, ўтган йили машҳур «Артек» оромгоҳида 40 кун давомида дам олиб қайтган «Чаман» жамоаси ўз репертуарларини янгилаш, профессионал ижро маҳоратини ошириш ва саҳна либосларини янада янгилаш устида тинмай изландилар, ишладилар.

Куни кеча А. Азизов раҳбарлик қилаётган ушбу дастанинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театри «Чаман» ихлосмандлари ва санъатсеварлар билан тўлди. Даста бу галги концерт дастурини халқ артисти, давлат мукофотларининг совриндори, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг яқинлашиб келаётган 80 йиллик тўйи ва миллий Наврўз байрамига бағишлаганди. Район, шаҳар ва республика мутасадди ташкилотлари раҳбарлари ҳам ушбу концертга таклиф қилингандилар. Ранг-баранг дастурдан тузилган концертдан ҳамма қониқиш, маънавий озуқа олиб қайтди. Барча чиқишлар ва ижрочиларни томошабинлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Концерт тугагач даста раҳбари Азим Азизовдан бир неча саволга жавоб беришларини илтимос қилдик.

— Азим ака, аввалги жамоадан ажралиш енгил бўлмагандир. Ҳар ҳолда 20 йил қисқа муддат эмаску?

— Ҳа, албатта. Мен 1968—1989 йиллар орасида «Баёт» халқ дастасида бадиий раҳбар ва балетмейстер бўлиб ишладим. Шундан роса 20 йил мобайнида 3-маданият уйига директорлик қилдим. Албатта, маданият уйида «Баёт» студиясидан ташқари миллий созандалар тўгараги, «Камалак» доирачилар, хор, мақомчилар, болалар рақс дасталари бор эди.

1970—1974 йиллари Шерқўзи Ғозиев ўз укаси Аъзам Ғозиев билан бирга «Келинг, бир кулишайлик» деб аталган ҳажвий драма тўгарагини ташкил этди. Кейинчалик бу гуруҳ шаклланиб «Ханда» номли машҳур қизиқчилар дастасига айланди. «Ханда» драма гуруҳи ўзининг илк қадамини «Баёт» студияси қошида бошлаган десак муболаға бўлмас.

Албатта «Баёт» 20 йил давомида 12 марта хорижий давлатларга бориб Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик соҳасини кенг намойиш эта олган машҳур дасталардан бири бўлган.

Мен учун 1989 йили бу жонажон дастадан ажралиш қанчалик қийин бўлганлигини айтиш ниҳоятда оғир.

— Кўпчилик, санъаткорларга ўзгача қарашади. Ҳаётларни доимо ўйин-кулгу, хушчақчақликда ўтади, деб ўйлашади. Аслида қандай?

— Ҳа, ростдан ҳам кўпчилик шундай фикрда. Лекин, бундай эмас. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида санъаткорлар ҳам барча фуқаролар, халқимиз учраётган тўсиқлардан ҳоли эмасмиз. Демоқчиманки, эл қатори яшаймиз, ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган.

Азим Азизов ҳақида машҳур раққоса Қундуз Миркаримова шундай деган эди: «Мен Азим Азизов билан 1965—1975 йиллари М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармониясида бирга ишлаганман. У ижро этган қатор ўзбек халқ рақслари, шунингдек кавказ, тожик, афғон, ҳинд ўйинлари ва айниқса Австралия ўйини «Макумба»ни томошабинлар жуда яхши кўрар эдилар. 1972 йили «Ўзбектелефильм» студияси томонидан «Азим Азизов рақс тушади» фильм-концерти ҳам яратилган эди ўшанда. Бундан ташқари биз Азимжон билан «Марҳабо талантлар», «Чашма», «Зеҳн» каби бадиий ҳаваскорлик бўйича 1970—1977 йиллари ўтказилган жумҳурият телевизион танловларида ҳам бир неча маротаба куч синашганмиз. Айтишим керакки, ушбу машҳур мусобақаларда ҳам А. Азизов Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан тайёрлаб олиб келган бир неча халқ ҳаваскорлик дасталари етакчи ўринларни қўлга киритган».

Азим Азизов раҳбарлик қилаётган «Чаман» ашула ва рақс дастаси ҳозир янги дастур тайёрлаяпти. Ўйлаймизки, яхши кунларда ёш санъаткорлар дилларимизни яна хушнуд этадилар.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.

*Шатранж оламида

ЗЎР ЗЎРДА

ЭСИМДА, бундан 15—16 йилча муқаддам «Совет Ўзбекистони»да босилган мақолаларимдан бирига ана шундай сарлавҳа қўйган эдим. Бу билан Анатолий Карпов ижодига нисбат берилганди. Ибратли нарсани таърифлаш айб эмас, деганларидек, бу гал Гарри Каспаров кўрсатаётган маҳорату шижоат ҳам айни шу икки сўзни талаб қилгандай бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси мусобақаларни бирбиридан ажратиш учун уларни бир неча тоифа, яъни даражаларга бўлиб қўйган. Яқин-яқинларгача энг юқори даража 16 ни ташкил этарди. Кейинги бир-икки йил ичида уни яна бир даража оширишга эҳтиёж туғилди: сабаби, энг кучли гроссмейстерларни бир турнирга жалб этиш имконияти туғилди. Айтгандай, бир неча спорт турлари бўйича жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли халқаро кўрик-мусобақалар сони тобора ортиб боряпти. Миллионлаб мухлисларни ўз домига торта оладиган, бинобарин, уларни бир лаҳза бўлса-да ҳаёт ташвишларидан холи этиб, ҳузур бағишлай оладиган спорт мусобақаларини кузатиш ишқибозларга албатта катта завқ-шавқ бағишлайди.

Испаниянинг Линарес шаҳрига тўпланган жаҳондаги энг кучли 14 нафар гроссмейстерларнинг ўзаро баҳси салкам уч ҳафта давомида миллионлаб шахмат мухлисларини оҳанрабодек ўзига тортиб тургани бежиз эмас. Зудлик билан эгаларига етказиб турилган ўйин матнлари ҳеч кимни бефарқ қўймади. Бир-биридан нафис юришлар шодаси дейсизми, улар қўмагида рўёбга чиқарилган тўзал комбинациялар дейсизми... ҳамма ҳаммасидан баҳраманд бўлишди.

Мусобақанинг биринчи ярмида пешқадамлар сафида борган шатранж оламининг фармонбардори кейинчалик суръатни оширишга киришди. Кейинги бир йил ичида бир неча бор панд еб қолган чемпион бу сафар пухта шайланганлигини кўз-кўз қилишга тушди. Бирин-кетин қўлга киритилган ажойиб ғалабалари туфайли маррага биринчи бўлиб етиб келди. Энг яқин рақобатчилари ундан анча ортда қолдилар. 13 имкониятдан 10 очко тўплаш ва бунинг устига тахтини нишонга олиб турганлардан биронтасидан ҳам енгилмасликни уддалаш ҳазил гапми? Иккинчи совриндордан нақ 2 очко ўзиб кетиш шахмат шоҳи билан унинг ворислари орасида ҳали фарқ анча катта эканлигидан далолатдир. Гарри Каспаровнинг таъкидлашича, унинг Анатолий Карпов билан бирга ўйини турнирнинг энг яхши партияси бўлса ажаб эмас. Мен, дейди у, ёш Карпов услубида ўзини енгиб чиқдим. Бу муболаға эмас, ишонса бўладиган гап.

Мусобақаларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, келгуси йили тож учун бўладиган баҳсда Каспаровга рўпара бўлиш эҳтимоли бор тўрт талабгорнинг ҳаммаси: А. Карпов, Ян Тимман, Н. Шорт ва А. Юсупов ушбу Линарес турнирида ўз кучларини синаб кўришди. Бирортаси ҳам тождорга дурустроқ бас кела олмади.

ЎЙИНЛАРИНИНГ МАҒЗИ ТЎҚ

АНА шу кунлари Тошкентда ҳам ўзига яраша қувончли воқеа юз берди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг илк биринчилиги дастлабки чемпионимиз устоз Азмиддин Хўжаев таваллуд топганлигининг юз йиллиги арафасида ўтказилгани ҳам бир ҳикмат бўлса ажаб эмас. Республика шахмат клуби эса Азмиддин ака туғилган маҳалла теварагида жойлашганлигини айтмайсизми.

Кейинги бир неча йил мобайнида республика чемпионатлари таркиби бунчалик даража касб эта олмай келарди. Хайрият, сезиларли силжиш юз берди. Мустақиллик шарофатидандир балки.

Ғолиблик учун курашга бел боғлаган 14 иштирокчининг биттаси халқаро уста М. Салтаев, беш нафари спорт устаси ва қолганлари шу унвонга талабгорлар бўлиб, уларнинг оқсоқоли таниқли шахматчи, 70 ёшли Г. Борисенко бўлса, кенжаси самарқандлик 16 яшар Марат Жумаев эди. Мусобақа бош ҳакамиси сифатида камина шиддатли ҳамда қизиқарли жангларни имкон даражасида кузатиб боришга интилдим. Атиги беш-олти учрашувни ҳисобга олмаса, деярли ҳаммаси жозибали ўтди.

Уларга ишонса бўлади. Олти учрашувнинг бештасини ютиб, биттасини дуранг қилгани А. Блодштейн бошқалардан бир ярим очко ўзиб кетганлиги кураш янада қизишига туртки бўлмай қолмади, албатта.

Пойга масофасининг ўрталарида тажрибали спорт устаси Д. Қаюмов бир неча бор қоқилиб мавқеидан ажраган бўлса, чирчиқлик ёш спорт усталигига номзод Сайдали Йўлдошев пешқадам Блодштейнни биринчи мағлубиятга учратиб жадвалдаги ўрнини тобора яхшилашга тушди. Ёш усталикка номзод А. Калликштейн бўлса дуранг оралатиб ютар ва пешқадамлар сирасида борарди.

Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анчагина бақувват ёшларимизнинг сайқал топаётган маҳорати 64 катак узра намоён бўлаётган ижодий уфқи ўйиннинг барча босқичларида ўз аксини топмоқда. Кўринишидан жўн ва ҳатто анчагина ширин тузоқларга илиниб қолиш ҳисобдан янглишиш каби иллатлар уларга деярли бегона нарсадек бўлиб қолган.

Маррага уч-тўрт қадам қолганда Сайдалининг Қаюмовдан енгилганлиги курашни янада кескинлаштириб юборди. Охир-оқибатда уч киши: С. Йўлдошев, А. Калликштейн ва А. Блодштейн бир хил натижа билан маррага етиб келди: жамғарган очколари сони 9 тадан эди. Ғолибни аниқлаш учун мусобақа низомидаги қўшимча кўрсаткичларни ишга солишга тўғри келиб қолди. Сайдали Йўлдошев мустақил Ўзбекистон республикасининг биринчи чемпиони деб эълон қилинди ва унга бош соврин топширилди.

Жами 57 чемпионат ўтказилган бўлса, шундан 47 тасининг жонли гувоҳи, анчагинасининг иштирокчиси ва ғолиби ҳамда 20 дан ортиғида бош ҳакам бўлган бўлсамда бу галгисини бошқариш ва ниҳоят ғолибни эълон қилиш пайтида ўзгача кайфият чулғаб олди мени. Ҳа, бу истиқлол нашъасидан баҳрамандлик ҳисси бўлса керак.

Таскин аломатлари қатори кўнгилни ғаш қиладиган ҳолатлар ҳали талайгина. Чунончи, етакчи шахматчиларимиз орасида туб аҳоли вакилларининг анча камлигидир. Ушбу чемпионат иштирокчиларининг атиги тўрт нафаригина ўшалардан. Бунга аввало замон ва қолаверса ўзимиз айбдормиз. Яқин орада Ўзбекистонимиз ҳам Халқаро шахмат Федерацияси — ФИДЕга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши, жаҳон олимпиадаларида қатнашиши кутилмоқда, ўлкамиз қадимий шатранж ватанларидан бири экан, аста-секин ўз мавқеини тиклай бориши даркор. Инсоният маданиятининг булакларидан бири ҳисобланувчи шахмат санъати, шахмат спорти соҳасида ҳали кимлигимизни кўрсатиш учун эса олдимизда турган вазифалар анча-мунча.

Ҳозирги қийин шароитларда бизга ҳам ҳомийлар зарур бўлиб турибди. Бир қанча спорт турлари бу жиҳатдан унча-мунча ўзларини тутиб турибди. Ҳозир ажратилаётган маблағ билан биз на ишларимизни жонлантириб терма командамизга шароит яратамиз, на халқаро турнирлар ўтказиб ёки йирикроқ тадбирларни ташкил эта оламиз. Белимизга белбоғ боғлатиб катта майдон сари шахдам қадам ташлайдиган ошиғи олчи жамоалар, чинакам шахмат шинавандалари, яъни ҳомийлар топилиб қолар деган умиддамиз.

ТАКРОРИЙ ТАСДИҚ

ОРАДАН кўп ўтмай Германиянинг Дортмунд шаҳрида жаҳон чемпиони Каспаров иштирокида яна бир улкан халқаро турнир бошланиб кетди. Буниси ҳам Испаниядагидек энг юқори — 17 даража касб этди. Гроссмейстерларнинг энг кучлилари қатнашаётган мусобақада ҳар бир учрашув фармонбардор учун ҳам осон кечмайди. Дастлабки икки ўйинда ғолиб келган Каспаров учинчисида асли россиялик бўлиб ҳозир АҚШда яшаётган 17 ёшли Гата Камскийга беллашувни бой бериб қўйди. Уч-тўрт учрашув орасида чемпион яна бир бор қоқилди. Бу гал германиялик тажрибали гроссмейстер профессор Роберт Хюбнердан енгилиб тўртинчи мавқега тушиб қолди. Бундай нохуш ҳол унинг тажрибасида деярли учрамаган. Каспаров ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини буткул жангга сафарбар қила оладиган шахматчи. Охирги куни пешқадам билан беллашар экан фақат ғалабани кўзлаб иш тутди. Валерий Салов рақиб зарбаларига дош беролмагач, тўққиз имкониятдан 6 тадан очко жамғарган Г. Каспаров билан украиналик Василий Иванчук маррага тенг етиб келди. Лекин коэффициентлар жадвалига кўра бош соврин жаҳон чемпионига тегди. У зўрлигини такрор тасдиқдан ўтказишга муяссар бўлди.

АНЪАНАГА ПУТУР ЕТДИ

ХУДДИ ана шу кунлари, яъни жаҳон чемпиони зўр гроссмейстерлар билан куч синашаётган кезларда Линарес шаҳрида шахмат тожи учун у билан беллашиш йўлида фидокорлик кўрсатаётган талабгорлар ўртасида ярим финал баҳслари бошланиб кетди. Қуръага кўра Анатолий Карпов англиялик Найжел Шорт билан, Артур Юсупов эса голландиялик Ян Тимман билан ўзаро баҳсга кирдилар.

Шартга кўра иккала учрашувда ҳам 10 тадан партия ўйналар, камида 5,5 очко олган томон финалга чиқарди.

Москвалик гроссмейстерлар баҳсни ишонарли ғалаба билан бошлаган бўлсалар-да, кўп ўтмай ҳисоб тенглашиб қолди. Кейин гоҳ у томон, гоҳ бу томон илгарилаб турди. Дуранг натижалар жуда кам бўлганлиги жанг ниҳоятда қизғин ва кескин ўтганидан яққол далолатдир.

Хуллас, тўққиз ўйиндан сўнг иккала олишувда ҳам ҳисоб бир хил бўлиб қолди: Карпов ва Юсупов 4:5 ҳисобида ортда борардилар. Улар учун дуранг мағлубият билан баробар, бинобарин, фақат ғалаба учун интилишлари ва ҳисобни тенглаштиргач, қўшимча ўйинлардан умидвор бўлишлари мумкин эди. Қора доналар билан бундай ниятни амалга ошириш эса айниқса қийин. Бироқ йўл биттагина экан, илож қанча — қалтисликларни шиор қилиб олган москваликлар яна мағлуб бўлишди.

Шундай қилиб рақибларини 6:4 ҳисобида енгиб чиққан Ян Тимман билан Найжел Шорт финал беллашувда куч синашадиган бўлдилар. Анъанага путур етди: етти йил давомида Каспаровнинг доимий ҳарифи бўлиб келган жаҳон экс-чемпиони Анатолий Карпов йўлни бошқаларга бўшатишга мажбур бўлди.

Натижалар хусусида тўхталар экан, жаҳон чемпиони Гарри Каспаров 40 ёшли тажрибали голландиялик гроссмейстернинг кучини қадрлаган ҳолда англиялик 26 яшар гроссмейстернинг ягона тож талабгори бўлиб чиқиши жаҳон шахмат аҳли учун маъқулроқ, чунки чемпиондан бу унвонни тортиб олиш учун у билан ўзидан ёшроқ рақиб кураш олиб бориши имкониятни ошириши турган гап, деди. Бу фикрга қўшилмоқ даркор.

Яна бир неча ойдан сўнг бўладиган Н. Шорт — Я. Тимман учрашувининг ғолиби келгуси йили шахмат оламининг фармонбардори Г. Каспаров билан баҳс юритади.

Мамажон МУҲИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг вице-президенти, халқаро ҳакам.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР БЎЙИЧА
ЛАКЛАР, БЎЁҚЛАР, ЭМАЛЛАР

Полларни бўяш учун ПФ—266 эмали;
Сув қўшилган эмульсияли бўёқ;
ПФ-283 лаки;
ГФ-0163 грунтовкаси;
Цинкли белилалар;
Қора, қизил, яшил, тўқ яшил, тўқ кул ранг ПФ-115 эмаллари;
Пушти-қизил ва қизил ПФ-188 эмаллари билан «ЛОКЛАР» савдо уйи Тошкент шаҳри омборларидан олган ҳолда савдо қилади.
Ҳисоб-китоб пул ўтказиш ва чек орқали амалга оширилади.
«ЛОКЛАР» савдо уйи, шунингдек брокерлар ва бошқа ходимларни ҳам ишга таклиф қилади.
67-73-34, 34-34-09, 35-35-01 (қўшимча 373), 35-36-01 (қўшимча 373) телефонлари орқали соат 9.00 дан 16.00 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

«ВИТИЛИГО»

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ВА ФАҚАТ ШУ ЕРДАГИНА

⊙ Витилиго (баданга оқ доғлар тошиши) хасталигини даволаш, косметик операцияларни ўтказиш мумкин.
⊙ Даво қатнаб ёки касалхонага ётқизган ҳолда амалга оширилади.
⊙ Кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Афғонистонда хизматини ўтаган аскарлар ҳамда етим болаларга имтиёзлар кўзда тутилган.
Мурожаат учун 67-74-96, 67-74-83 телефонларига қўнғироқ қилинг.
Ҳамза кўчаси, 103-уйда жойлашган Тошкент тиббиёт олий билимгоҳига соат 8 дан 18 гача ташриф буюришингиз мумкин.

«Тошкент оқшоми» рўзномасига малакали машинистка керак.
Манзилгоҳимиз: Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефон — 33-57-02, 32-55-35.

«Узэлектромонтаж» махсус трестига қарашли
2-ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

аҳолидан, корхоналардан қуйидаги хизматларни бажариб бериш юзасидан
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

— электромонтаж ва темир-конструкция ишларини бажариб бериш;
— чуқурлиги 3 метргача, кенглиги — 600 миллиметргача бўлган ўра қазиб бериш;
— автогидроподъемник орқали бажариладиган ишлар (баландлиги 18 метргача);
— 10 тоннагача бўлган юкларни ташиш, ортиб ва тушириб бериш.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: **700097, Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 6-мавзе. Телефонлар: 78-16-57, 78-31-03.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ
9-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, 9, 11-синф маълумотидаги ёшларни

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Хотин-қизлар ва болаларнинг устки, енгил кийимларини тайёрловчи чевар — ўрта маълумот ҳам берадиган 2 йиллик тажрибавий гуруҳлари. Бу гуруҳларга 9 синфларни «4» ва «5» баҳолар билан битирган ҳамда рус тили ва адабиёти (диктант)дан, миллий гуруҳларда эса она тили ва адабиёт (диктант)дан кириш имтиҳонларини топширганлар қабул қилинади;

Моделлаштириш ва лойиҳалаш маҳорати билан кенг ассортиментдаги кийимларни тайёрловчи чевар — ўрта маълумот ҳам берадиган 3 йиллик таълим гуруҳи, 9-синфларни битирганлар расмдан кириш имтиҳони топширадилар;

Моделлаштириш маҳорати билан хотин-қизлар ва болаларнинг енгил кийимларини тайёрловчи чевар. 11-синфларни битирганлар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — бир йил.

Хотин-қизлар устки ва енгил кийимларини тайёрловчи чевар. 9-синфларни битирган ўқувчилар қабул қилинадилар. Ўрта маълумот берилмайди. Ўқиш муддати — 2 йил.

Тўлиқсиз ўрта маълумот билан ўқишга қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, кийим-бош ва 40—50 сўм миқдоридаги стипендия билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга қабул қилинган ўқувчилар 175-220 сўм миқдорида стипендия ва қўшимча овқат пули билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида ўқувчилар 50 фоиз иш ҳақи оладилар.

Билим юртида ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли битирган ёшлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи, Тошкент политехникуми ва индустриал-педагогика техникумининг кундузги бўлимларига ўқишга йўлланма оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги «Қизил тонг», «Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» ва ҳоказо тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлайдилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида аттестат, турар жойидан маълумотнома ва саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома ҳамда ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри — 100, Бобур кўчаси, 55-уй, Телефон: 54-95-59 (4, 9, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 7, 11, 40, 45, 59, 54, 57, 58, 67, 80, 95, 97, 99-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати).

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газпайвандчи, «С» тоифали ҳайдовчи — ўқиш муддати 3 йил;

электр-газпайвандчи — ўқиш муддати 1-3 йил;

чилангар-сантехник-газпайвандчи — ўқиш муддати 1—2 йил;

автомобилларни таъмирловчи чилангар — ўқиш муддати 2-3 йил;

универсал-токарь — ўқиш муддати 6 ой;

қоғоз ишлаб чиқариши технологи — ўқиш муддати — 1-3 йил;

автомобилларни таъмирловчи чилангар-электр-газпайвандчи — ўқиш муддати 1, 2, 3 йил.

9-синфни битирганлар уч йил ўқиб, ўрта маълумот оладилар ёки ўрта маълумот олмаган ҳолда 2 йил ўқийдилар.

Ўқиш даврида уч йиллик таълим гуруҳларидаги ўқувчилар уч марталик овқат, 40 сўм стипендия, кундалик ва кўчалик кийим-бош (бепул) билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаган ўқувчилар ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ҳамма ўқувчиларга 50 фоиз иш ҳақи тўланади. Ўқиш муддати меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда енгиллик берилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 11-синф маълумотига эга бўлганлар барча ихтисослар бўйича 10 ой ўқийдилар.

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилганлар 6 ой ўқийдилар ва 80—380 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Билим юртини битирган ёшлар «Минмонтажспецстрой», «Иргидромаш», Ўзбекистон қоғоз комбинати корхоналаридан бирига ишга юбориладилар.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (аттестат), 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 73, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (12, 37, 52, 68-автобуслар (Куйбишев узун кўчаси бўйлаб), 15, 26, 161-автобуслар (Жарқўрғон кўчаси бўйлаб)нинг «Жамила» дўкони» бекати).

ТЕЛЕФОН: 91-33-94.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
30, 31 МАЙ СОАТ 16 ВА 19 ДА

ОБИД АСОМОВ
«БИРГА БЎЛСАК ОЛАМ ГУЛИСТОН»
янги қизиқарли дастурини
сизга ҳавола қилади
Томошада:
ШАҲБОЗ,
ШОҲРУҲ ва МОҲИНУР
НИЗОМИДДИНОВЛАР
«ТОШ—КЕНТ» гуруҳи

«Ўзбекистон қизлари» рақкосалар ансамбли ва севимли эстрада хонандалари қатнашадилар.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Корхоналар ва ташкилотларнинг оммавий талабномалари 15 майгача **56-76-97, 56-85-76** телефонлари орқали қабул қилинади.

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОЙИДА
ШУ ЙИЛНИНГ 20—24 МАЙ КУНЛАРИ
ФАҚАТ БЕШ КУН
ЖУМҲУРИЯТДА ЕТАКЧИ РУҲИЙ МУОЛАЖАКОР — ХАЛҚ ТАБИБИ
Абдурафиқ ҒОФУРОВ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Муолажа давомида бош оғриғи, уйқусизлик, қон босими, бронхиал астма, қанд касалликлари, остеохондроз, полиартрит, юрак, ўпка, буйрак, жигар, ошқозон, тери касалликлари, умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ суяк оғриқлари, семизлик ва ориқлик, жинсий заифлик, бефарзандлик дардларидан фориғ бўласиз. Турли хил «иссиқ-совуқ»лардан, «амал»лардан, «тугун»лардан қутулиб, тўла соғайиб кетасиз. Табиб уйдаги касалларни сурат орқали даволаш хислатига ҳам эга.
Жумҳуриятимиз аҳолиси учун Абдурафиқ Ғофуров 13-14 май кунлари иккита сиртқи руҳий сеанс уюштиради. Руҳий сеанс тўғрисидаги маълумотлар билан «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» рўзномасининг шу ҳафта сонида батафсил танишишингиз мумкин.
Муолажалар ҳар куни соат 12.00 ва 17.00 да бошланади.
Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: **46-03-12, 46-70-31.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш илмгоҳи ва унинг клиникаси жамоаси собиқ ходим, меҳнат фахрияси Д. О. Қувватбековага ўғли **ОЙБЕКнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек район ҳокимлиги район маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси С. Оқмирзаевга рафиқаси **Карима ОҚМИРЗАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

⊙ 54.544 нусхада чоп этилади. ⊙ Нашр кўрсаткичи 64690 ⊙ Босмага бериш вақти 11:30. ⊙ Босмага берилди: 11. 30. ⊙ Буюртма Г—134. ⊙ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10: